**ИШСИЗГА КЎМАК**

*Мен икки йил олдин штат қисқарганлиги сабабли ишдан бўшаган эдим. Шу пайтгача ҳеч қаерда ишлаганим йўқ. Бир танишимнинг айтишича, туман меҳнат органига ишга борсам, ишсизлик нафақаси тўланар экан. Шу тўғрими?*

5 бет

**ҲАРОМДАН ҲАЗАР**

*Айнан "Меҳрибонлик уйи"да содир этилган бундай жиноятни ҳалиҳануз ҳеч ким ҳазм қила олмаяпти... Ахир бу масканга саховат улашгани, меҳр тортиқ этгани ошиқадилар, манфаат истаб эмас!*

9 бет



# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2011-yil 22-dekabr, №51 (780)


Ўзбекистон Республикасининг
**ҚОНУНИ**

## Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги Битимни (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 24 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 6 декабрда маъқулланган

Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги Битим (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 13 декабрь
№ ЎРҚ-307

*Парламентда*

# Муҳим масалалар муҳокамаси

2011 йилнинг 20 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда "БМТнинг коррупцияга қарши Конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 13 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"-ги Қонун ижросининг долзарб норматив-ҳуқуқий масалалари" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Дастлаб иштирокчилар бу борадаги миллий қонунчиликнинг ҳолати ва истиқболларини, шунингдек, дунё тажрибасини тегишли мутахассислар ва олимларнинг таклифлари ҳамда тавсияларини ўрганишдан бошладилар.

Хусусан, сўзга чиққанлар Ўзбекистонда сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назоратининг норматив-ҳуқуқий базасини ва амалиётини такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётганлигини қайд этдилар. Жумладан, назорат органларининг ваколатлари ва уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашуви учун асослар рўйхати чегараланди, текширувлар сони қисқарди, назоратни амалга ошириш чоғида бир-бирини такрорлаш ҳолатларига чек қўйилди, текширишларнинг йиллик ва ҳар чораклик режаларини шакллантиришнинг аниқ асослантирилган тамойиллари жорий қилинди.

Иштирокчиларнинг маърузалари ва чиқишларида асосий эътибор Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилиб, коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари ва етакчи демократик давлатларнинг тажрибаси таҳлил қилинди. Сўзга чиққан ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари ушбу соҳани тартибга солишнинг халқаро ва миллий тажрибадан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашни келгусида янада ривожлантириш бўйича амалий таклифлар бердилар.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ташқи ишлар, Адлия вазирликлари, Олий суди, олий ўқув юртлари вакиллари, эксперт-мутахассислар ва Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этдилар.

Қатнашчилар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида БМТнинг коррупцияга қарши Конвенцияси қоидаларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш жараёнларини такомиллаштиришга, халқаро ҳамкорликни кучайтиришга доир ишларни янада ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ўз мухбиримиз**

# Фуқаролик ҳуқуқида даъво муддатлари

***Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик давлат ҳамда эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бормоқда. Ватанимизда қисқа давр мобайнида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасига асосан, "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир".

Асосий Қонунимиз мамлакатимизда қонунчилик фаолиятини ривожлантиришга имконият яратиб берди. Уни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги масалаларни ҳал қилиб берувчи бошқа барча қонунларнинг, шу жумладан, махсус қонунлар тизимини ташкил этувчи кодексларнинг юридик манбаи, пойдевори десак, хато бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла кафолатланган бўлиб, 44-моддага кўра, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Миллий қонунчилигимизда бу конституцион ҳуқуқни амалга ошириш мақсадида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишда даъво муддатлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 149-моддасига кўра, даъво муддати — шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатлардир.

Ушбу кодекснинг 10-моддасида кўрсатилганидек, фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ва шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки холислар суди томонидан ҳимоя қилинади. Бинобарин, ҳуқуқлари бузилган шахс (фуқаро ёки ташкилот)лар юқорида кўрсатилган суд, хўжалик суди ёки холислар судига даъво аризаси бериб, бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши тўғрисида даъво қўзғатишлари мумкин.

**/Давоми 6-бетда/**

# Халқаро анжуман

***Жорий йилнинг 15-16 декабрь кунлари "Халқаро-ҳуқуқий стандартлар ва Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш миллий тизимини ташкил этиш тажрибаси" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳаларни мувофиқлаштирувчи ва Ф.Эбрет жамғармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Анжуманда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлигидан келиб чиқадиган янги халқаро принцип ва нормаларга асосланган ҳуқуқий ҳудуд яратилганлиги таъкидлаб ўтилди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий механизми шакллантирилган бўлиб, у мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда ҳамда улар ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик асосида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини қамраб олган.

Ўзбекистонда демократик ривожланишнинг энг муҳим хусусиятларидан бири — халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида инсон ҳуқуқлари бўйича турли миллий институтларни яратиш бўлди. Улар мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажаришга кўмаклашмоқдалар. Мазкур институтлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида иш юритиб, давлат органлари, миллий ННТ ва халқаро ташкилотлар билан кенг ҳамкорликни амалга оширади.

Анжуман қатнашчилари 15 йиллигини нишонлаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рағбатлантириш, уларга риоя этиш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятларни мувофиқлаштиришга йўналтирилган идоралараро хусусиятли, кенг ваколатларга эга эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Марказ зиммасига инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларнинг қоидаларини, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Марказ ўз фаолияти давомида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масалалари бўйича ўз халқаро мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги 30 га яқин миллий маъруза тайёрлаб, халқаро шартнома органларида кўриб чиқиш учун тақдим этди. Халқаро шартнома органларининг тавсияларини бажариш бўйича 10 дан зиёд Миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этди. Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича 10 дан кўпроқ қонун лойиҳаси экспертизасини амалга оширди. Фуқароларнинг 10 мингдан кўпроқ мурожаатларини кўриб чиқиб, инсон ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий хусусиятлари бўйича 2 мингдан кўпроқ тўплам ва китобларни тайёрлаб нашр қилди. Шу билан бирга, миллий ва халқаро тизимлар, жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий тадқиқотлар бўйича Илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаш билан ўзаро ҳамкорликнинг самарали тизимини шакллантирди.

Қатнашчилар "Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" қоидаларидан, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ташкил этиш ва улар фаолиятининг Париж принциплари, чет эл ва миллий экспертлар томонидан билдирилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда тавсиялар қабул қилдилар.

Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, суд ва ҳуқуқ-тартибот органлари, манфаатдор вазирликлар, идоралар, илмий ва таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар. Тадбир давомида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг янги нашрлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

**Ўз мухбиримиз**

# Муҳим вазифалардан бири

А.АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 28 октябрдаги "Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида тадбирлар ўтказилмоқда.

Навбатдаги ана шундай тадбирлардан бири Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан Шимоли-ғарбий ҳарбий округида хизмат вазифаларини бажараётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилди.

Ўтказилган тадбирга таклиф этилган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, "Камолот" ЁИҲ, Қорақалпоғистон Республикаси Маънавият тарғибот маркази ҳамда Нукус шаҳар ҳокимияти масъул ходимлари анжуман қатнашчиларига Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши ва унинг аҳамияти, мамлакатимиз миллий истиқлол ва тараққиёт йўлининг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ҳамда асосий йўналишлари тўғрисида батафсил маълумотлар беришди.

Унда давлатимизнинг 20 йиллик мустақил тараққиёти даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилган изчил ва босқичма-босқич ислоҳотларнинг асосий йўналишлари кенг таҳлил этилди. Мамлакатимизда жамиятни янгилаш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, бозор иқтисодиётини такомиллаштириш, миллий ва маънавий қадриятларни келгуси авлодларга бекаму-кўст етказиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини таъминлашга қаратилган тизимли ўзгаришлар атрофлича муҳокама этилди.

Шу билан бирга, семинар иштирокчилари истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилган кенг миқёсли ислоҳотлар ҳақида гапириб, замонавий миллий армиямизнинг вужудга келганлигини алоҳида эътироф этдилар. Мудофаа доктринаси ва Миллий хавфсизлик концепцияси асосида мазмун-моҳиятан янги тамойиллар бўйича Қуролли Кучларни ташкил қилиш ва ислоҳ этиш дастури ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигига, чегараларимиз дахлсизлигига ҳар қандай тажовузларга муносиб зарба берадиган, стратегик ва тактик вазифаларни юқори даражада ҳал қиладиган, яхши қуролланган, профессионал, сон жиҳатидан катта бўлмаган, лекин тезкор Қуролли Кучларни шакллантириш ушбу дастурнинг асосий вазифалари эди ва мазкур вазифалар муваффақиятли амалга оширилаётгани қайд қилинди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ муддати бир йилгача камайтирилди, ҳарбий қисмларнинг таркиби сифат жиҳатдан ўзгарди. Президентимиз ташаббуси билан сержантлар тайёрлаш мактабларини ташкил қилиш ва уларни замонавий ўқув-жанговар жиҳозлари билан таъминлаш Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини тубдан оширди, ҳарбий қисмларда соғлом маънавий муҳитни вужудга келтирди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқаролари Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишни нафақат фуқаролик бурчи сифатида, шу билан бирга, энг юксак мақомдаги касб сифатида қабул қилмоқдалар. Кейинги пайтларда Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга чақириш танлов асосида ўтказилаётганлиги бунинг яққол исбот-далилидир.

Шунингдек, Юртбошимиз томонидан эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг мазмун-моҳияти, Президентимизнинг "Миллий армиямиз-мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир", "Юксак маънавият — енгилмас куч" ҳамда "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобларининг концептуал ғоялари маърузачилар томонидан кенг ёритиб берилди.

Тадбирда мутахассислар муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдиришди. Семинарда қатнашган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўзларини қизиқтирган саволларга маърузачилардан тўлақонли жавоблар олишди.

*"Одамнинг кўнгли тирик бўлмас, токи нафси ўлмагунча, кимки нафсига ҳоким бўлмаса, оқибат хорланур", деганларидек, ўз нафсининг ҳокими бўлолмаган, нафси учун яшаётган одамлар бир кун келиб, панд ейиши тайин. Қуйида ана шундай нафсининг гапига кириб, алал-оқибат тамагирлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган Нодир Ҳасановнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қилмишлари ҳақида ҳикоя қиламиз.*

# Назоратчининг «иши»

Зафарбек ТУРСУНОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Н.Ҳасанов 1990 йилда Янгикўрғон туман электр тармоқлари катта назоратчиси вазифасига тайинланди. Албатта, ҳар бир ишнинг ўзига яраша масъулияти бўлади. Н.Ҳасанов ҳам ваколати доирасида ўзига бириктирилган ҳудудда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузилишига йўл қўймаслик, аниқланган қоидабузарликлар юзасидан истеъмолчиларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда далолатномалар расмийлаштириш ва Янгикўрғон ТЭТ раҳбариятига тақдим этиш каби вазифаларни амалга ошириши керак эди. Аввалига Нодир ишларни яхши олиб борди. Бироқ йиллар ўтиб, нафси тузоғига илинганини ўзи ҳам сезмай қолди.

2011 йилнинг 27 июнь куни Янгикўрғон тумани Шарқ юлдузи ҚФЙда яшовчи фуқаро Ю.Камоловнинг хонадонидаги электр ҳисоблагичнинг муҳри бузилганини кўрган Н.Ҳасановнинг нияти бузилди. Бу ишни "сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган" қилиб битиришни режалаштирди. Хонадон соҳибини четга тортиб, агар 100 минг сўм берса, электр ҳисоблагичнинг муҳри бузилганлиги тўғрисида тузилган далолатномага киритилган 751 минг 062 сўмлик зарарни компьютер базасига киритмаслигини маълум қилди. Аммо хонадон эгаси унинг тамагирлигини сезиб қолди-да, вақтни ўтказмай СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Янгикўрғон туман бўлимига мурожаат қилди.

Мазкур ариза бўйича Департаментнинг Наманган вилоят бошқармаси ва Янгикўрғон туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда туман электр тармоқлари катта назоратчиси Н.Ҳасанов Ю.Камоловдан тамагирлик йўли билан 100 минг сўм пулни олган вақтда ашёвий далил билан қўлга олинди.

Ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракат бир кун келиб, барибир одамни чоҳга қулатади. Бунга юқорида келтирганимиз, катта назоратчининг "иши" ҳам мисол бўлади.

# Тадбиркорлар қонун ҳимоясида

Ж.ҚАЮМОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Яккасарой туман бўлими бошлиғи

***Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги қонунлар қабул қилиниб, амалда тўлиқ қўлланиши натижасида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар фаолияти йил сайин ривожланиб бормоқда. Тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида уларга имтиёз ва енгилликлар берилганини алоҳида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, солиқ ва бож ставкаларининг пасайтирилиши, тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитларнинг ажратилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рўйхатдан ўтишда яратилган қулайликлар натижасида янги ишчи ўринлари яратилмоқда.***

Биргина, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йилги Давлат бюджети лойиҳасида, 2012 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий топтириш мақсадида ягона солиқ тўловининг базавий ставкасини 6 фоиздан 5 фоизга пасайтириш назарда тутилган. Бунинг натижасида 50 млрд. сўмдан ортиқ маблағ микрофирма ва кичик корхоналар ихтиёрида қолиб, ушбу маблағлар ҳисобига ишлаб чиқариш салоҳиятини янада кўпайтириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш самарасини ошириш, ишчи-ходимларни қўшимча рағбатлантириш имкониятлари яратилади.

СВОЖЖДЛҚК Департаментининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги буйруқлари ва Департамент бошлиғининг топшириқларига асосан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси Яккасарой туман бўлими томонидан тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ноқонуний равишда ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган цехнинг фаолиятига қонуний тус берилиб, кичик корхона сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди. Натижада, 15 та ишчи ўрни яратилиб, жорий йилнинг ўтган даврида 58,6 млн. сўмлик эшик ва ромлар ишлаб чиқаришга эришилди.

Жорий йилнинг 10 ойи давомида олиб борилган тезкор-таҳлилий ва қидирув тадбирлари натижасида 33 ҳолатда қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, сохта тадбиркорлар томонидан ноқонуний муомалага киритилган 495,6 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилган. Банкдан ташқари 5 млрд. 159,7 млн. сўм нақд пулларнинг ноқонуний айланиши фош этилган. Шунингдек, давлат бюджетига 3 млрд. 876,3 млн. сўм қўшимча маблағ ҳисобланиб, шундан 743,5 млн. сўмининг ундирилиши таъминланган.

Маҳаллий ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ҳамкорликда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар давом эттирилмоқда.

# Қинғир ишнинг қийиғи

***Бугун иқтисодиётимиз ривожини тадбиркор ва ишбилармонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг самарали меҳнатлари эвазига бозорларимизнинг турли-туман маҳсулотлар билан бойиб бораётганлиги ҳам бор гап. Ҳам ўзига, ҳам эл-юртга, ҳам давлатга наф келтираётган тадбиркорларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда.***

Д.МИРЗАЕВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Андижон вилоят бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, улар орасида "сохта тадбиркорлар" ҳам учраб туриб-ди. Бундайларни тадбиркорликнинг моҳиятини тушунмаган, давлат томонидан берилган имкониятлардан қонун асосида фойдаланмай, ўз ҳуқуқ ва бурчини ҳам унутиб қўйганлар, дейишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид ва жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари томонидан бу каби «оёғи ердан узилган», қонуний тадбиркорлар орасида соғлом рақобат муҳитини бузиб келаётган "сохта тадбиркорлар"ни аниқлаш ҳамда уларнинг фаолиятига барҳам бериш бўйича бир қатор сезиларли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Худди шундай "тадбиркорлик"нинг бошини тутганлардан бири Избоскан туманида яшовчи Сотқинбой Нурматовдир. Атрофига ўзи каби ноқонуний йўллар билан даромад олиб, осонгина бойиб кетиш истагида юрган танишлари Дилафрўз Каримова, Маъруфжон Юсупов ва Сардорбек Шокировларни тўплаган С.Нурматов белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган даромад олишни мақсад қилган. Улар Д.Каримова яшаб турган Андижон шаҳрида жойлашган хонадонда яширин цех ташкил қилиб, "ишлаб чиқариш фаолияти" билан шуғулланишни бошлашади. Санитария қонун-қоидаларига зид бўлган шароитда маргарин ва "пальма ёғи" аралашмасидан қўлбола усулда сариёғ тайёрлаб сотиш билан шуғулланаётган вақтларида уларнинг яширин фаолиятларига Департаментнинг Балиқчи туман бўлими ходимлари томонидан чек қўйилади.

Воқеа жойидан 300 кг. сариёғ маҳсулоти ва уни қўлбола усулда тайёрлашда ишлатилган яна бир қанча буюмлар ашёвий далил сифатида олинган.

Андижон вилоят ДСЭНМнинг хулосасига кўра, олинган сариёғ маҳсулоти истеъмол учун яроқсизлиги, истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги, уни истеъмол қилиш оғир ва жиғар касалликларига олиб келиши мумкинлиги маълум бўлган.

Юқоридаги ҳолат бўйича номлари кўрсатиб ўтилган "ишбилармонлар" суднинг ҳукмига кўра жавобгарликка тортилдилар.

# Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

Шуҳратжон АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилоят прокурори ўринбосари

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақил давлатимиз тараққиётини кафолатлаб берган муҳим ҳужжат сифатида ҳар бир ўзбек фуқароси қалбидан жой олди. "Мустақиллик декларацияси", "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонунлар ва Конституциянинг қабул қилиниши билан давлат бошқаруви ва жамиятни бошқаришнинг тамоман янгича ҳуқуқий тартибга солиш асослари яратилди.*

Конституциямиз умумэътироф этилган демократик тамойиллар билан бир қаторда фақат халқимизгагина хос бўлган миллий анъана ва қадриятларни акс эттирганлиги туфайли халқимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг чинакам қалқонига айланди. Жаҳон маданияти, тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган юзлаб буюк аждодларимиз қолдирган маънавий-ахлоқий мерос Конституциямизга маънавий-тарихий асос бўлиб хизмат қилди.

Ўтган 19 йил давомида Бош Қонун асосида кўплаб қонунлар, қонуности ҳужжатлари, қарорлар, фармойишлар, дастурлар қабул қилинди. Уларнинг барчаси эндиликда Ўзбекистон фуқароларининг тенглар ичра тенг бўлиб, тинч ва фаровон турмуш кечиришига хизмат қилмоқда.

Бозор иқтисодиёти асосида ривожланиш йўлини танлаган мамлакатимизда янги давлат ва жамият қурилишининг ўз модели ишлаб чиқилди. Мамлакатимизни модернизациялаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олиш мақсадида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар эндиликда ўз натижаларини кўрсатмоқда. Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, инсонпарвар фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган ислоҳотлар самараси, айниқса, инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида юқори иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланиш суръатларини таъминлаганда янада кенгроқ намоён бўлмоқда.

Конституциянинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади", дея қатъий белгиланган. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда, истиқлол йилларида инсон ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Мустақилликнинг илк кунларидан мамлакатимизда инсон омили олий қадрият сифатида эътироф этилди. Мустақиллик эълон қилинганидан кейин республикамиз қўшилган дастлабки халқаро ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эканини ҳам эътиборлидир.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи ўнлаб қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Қонун ижодкорлиги борасида олиб борилаётган самарали фаолият натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мослаштирилди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида белгилади. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича кўплаб халқаро ҳужжатларга қўшилгани ва БМТ томонидан қабул қилинган олтита халқаро шартнома қатнашчиси экани ҳам фикримизнинг исботидир. Мазкур ҳуқуқий-норматив ҳужжатлардаги тамойиллар инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган Конституциямиз ҳамда амалдаги қонунларимизда ўз ифодасини топган.

Конституциянинг 26-моддасида "Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас", деб қатъий мустаҳкамланган. Одам савдосига, терроризм ва гиёҳвандликка қарши кескин кураш чораларининг қўлланилаётганлиги ушбу модда талабларининг ҳаётга тўла татбиқ этилишини таъминламоқда.

Хоразм вилоят прокуратураси томонидан ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қонун меъёрлари асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузаси мамлакатимиз тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Концепция асосида Конституцияга киритилган ўзгаришлар демократик тамойилларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши аниқ. Президентимиз томонидан илгари сурилган ғоялар, таклифлардан бири — қонун устуворлигини ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ва инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

Айни пайтда ушбу Концепция асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини ривожлантиришда, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда асосий ва ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам, аввалambor, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилгандир. Зеро, қонун устувор мамлакатда фуқаролар тинч ва фаровон турмуш кечирадилар, жамият тараққий этиб, бугун кечадиган, эртага бугунгидан ҳам яхшироқ яшаш имконияти яратилади. Конституциямиз бизга ана шундай имкониятни берган экан, ҳуқуқларимизни англаган ҳолда, мажбуриятларимизни ҳам адо қилишни ҳар биримиз фарз ва қарз деб билишимиз даркор.

*Вилоятимизда 21 ноябрдан 21 декабргача Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини нишонлаш, Асосий Қонунимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, маъно-мазмуни ва моҳиятини янада кенгроқ тарғиб этиш мақсадида "Конституция тарғиботи ойлиги" эълон қилинди. Вилоят ҳокими, вилоят маънавият ва маърифат кенгаши раиси томонидан тасдиқланган дастур шу мақсадга қаратилди.*

# Ҳуқуқий-маърифий тадбирлар

Лутфия БОЗОРОВА,
Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Унга кўра, "8 декабрь — Конституция куни" умумхалқ байрамини кўтаринки руҳда кенг нишонлашни ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, жамият барқарорлигига таҳдид солувчи айрим маънавий таҳдидларнинг асл моҳиятини очиб беришга қаратилган ҳуқуқий-маърифий тадбирлар ўтказиш назарда тутилган.

Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Чунки, ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита мурожаат қилади ҳамда ушбу Асосий Қонунга ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб берувчи олий юридик ҳужжат сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам демократик жамиятда яшаётган ҳар бир шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётида қўллай билиши зарур.

Конституцияга, ҳуқуқ ва қонунга нисбатан ҳурмат ва садоқат — бу Ватанга, ўз халқига садоқатни келтириб чиқаради. Демак, жамият ҳаётининг асосий мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унинг маъносига етиб бориш ҳамда амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантириш жамият аъзоларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Конституциянинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ғоявий-тарбиявий аҳамияти беқиёс бўлиб, у ёшларда Ватанга садоқат, мардлик, ўзаро дўст-биродарлик туйғуларини юксалтиришга хизмат қилади. Айниқса, Асосий Қонунимизда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари, урф-одатлари мужассамлашгани ҳам унинг муҳим хусусиятларидан биридир. Унда жамиятнинг барча қатламлари сингари ёшларнинг ҳам барча турдаги шахсий, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлаб қўйилган.

Конституция куни байрами арафасида вилоят прокуратураси ташаббуси билан Қарши тумани Иқтисодиёт коллежида "Конституция — юксалиш ва тараққиётимиз кафолати" мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди. Конференцияда талабалар, вилоятдаги касб-ҳунар коллежи директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, мутахассис олимлар иштирок этишди.

Конференцияда сўзга чиққанлар Асосий Қонунимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий аҳамияти ҳақида маъруза қилдилар.

Мазкур тадбирдан мақсад, Конституциямиз биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, таъбир жоиз бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя эканлигини аҳоли кенг қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб этишдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Конференция сўнггида фаол иштирокчиларга Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

*Андижон вилоят ҳокимлигида одам савдосига қарши курашиш вилоят идоралараро комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.*

# Одам савдосига қарши курашиш — ҳамманинг иши

Шавкатбек ИСОМИДДИНОВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Унда вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимлари, шаҳарлар, туманлар прокурорлари, ИИБ ва ИИБ ХООБ бошлиқлари, профилактика инспекторлари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари раҳбарлари, "Маҳалла", "Нуроний" хайрия жамғармаларининг шаҳар ва туман бўлинма раислари, "Камолот" ЁИҲ шаҳар ва туманлар кенгашлари раислари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими, комиссия раиси А.Усмонов очди ва олиб борди. Йиғилишда вилоят прокурори Б.Деҳқонов ва ИИБ бошлиғи Д.Бобожонов маъруза қилди.

Маърузачилар кун тартибидаги масала юзасидан вилоят комиссиясининг ўтган давр мобайнида олиб борган фаолиятига ва қонунлар ижросига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, фуқароларнинг маҳаллаларда ва оилаларда тинч, осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқ-тартиботини янада мустаҳкамлаш борасида ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг роли ва ўрни, ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ички ишлар идоралари билан жамоат тузилмалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш борасидаги долзарб вазифалар, одам савдосига қарши курашиш борасида жамоатчилик вакилларининг вазифалари каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, вилоят ҳудудий идоралараро комиссияси томонидан ўтган давр мобайнида одам савдосига қарши курашиш ишларини ташкиллаштириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилганлиги, одам савдосидан жабрланганларни тиббий кўрикдан ўтказиш, аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида маълум ижобий натижаларга эришилганлиги алоҳида қайд қилинди.

Вилоятда 2011 йил 11 ойи давомида тасдиқланган дастурга асосан 87 093 та янги иш ўринлари барпо этилиб, дастур кўрсаткичи 118,2 фоизга бажарилди. Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларини янгилаш ҳисобига 2575 та, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 32 900 та, уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш ҳисобига 19 956 та, фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 4448 та, ишлаб чиқариш ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 6000 та, ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 785 та иш ўринлари яратилиб, фуқаролар иш билан таъминланди.

Йиғилишда сўз олганлар одам савдоси жиноятининг олдини олиш, ундан жабрланганларга ижтимоий-ҳуқуқий кўмак бериш борасида қатор дастур ва режалар белгилангани, уларнинг ижросини кучайтиришга янада алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбир сўнггида мазкур масала юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

# Қонунбузилишлар бартараф этилди

Умид РАЖЖАБОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Навоий вилоятида 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, маҳаллий ҳокимликлар томонидан интернет тармоғида ҳудудлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига бағишланган алоҳида доимо янгиланиб туриладиган ахборот варағи (сайти) ташкил этилди. Вилоят ҳокимининг тегишли фармойишига асосан туман ва шаҳар ҳокимликларида тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва тезкор ҳал этиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, назорат қилувчи органлар ҳамда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда ҳар ҳафтанинг жума кунлари "Очиқ эшиклар куни" ўтказилмоқда. Конимех, Навбаҳор, Кармана, Учқудуқ, Томди ва Хатирчи туманларида товар хомашё биржаси вилоят филиалининг савдо майдончалари ташкил этилиб, 6 та янги брокер идоралари тузилди. Шунингдек, дастурга асосан 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ва уларни моддий-техник ресурслар билан таъминлаш бўйича 291,2 млрд. сўмлик битимлар имзоланди.

Республика Давлат солиқ қўмитаси томонидан мавжуд кичик бизнес субъектларида бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш, молия ва солиқ ҳисоботларини электрон тарзда қабул қилиш тизими жорий этилишини кенгайтириш бўйича корхона ва ташкилотлар учун ишлаб чиқилган "Ereports" дастурига асосан 2011 йилнинг ўтган даври давомида 4 минг 451 та корхона ва ташкилотдан солиқ ҳисоботлари қабул қилиниб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан электрон кўринишда ҳисоботларни қабул қилиш 129 фоизга етди.

Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун вилоят тижорат банклари томонидан 246 та тадбиркорлик субъектларига 944,5 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, вилоятдаги 6 та (4 та кредит уюшма, 2 та микрокредит ташкилоти) нобанк кредит ташкилотлари томонидан 439 та тадбиркорлик субъектларига 6569,8 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, 2011 йилнинг 9 ойи давомида назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар сонини 2010 йилнинг 9 ойига нисбатан 35 фоизга қисқартириш таъминланди.

Мазкур йўналишда ўтказилган назорат тадбирлари давомида қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳақида назорат ҳужжатлари қўлланилди. Хусусан, Конимех туман ҳокимлиги томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган 2011 йил 1 апрелгача ҳудудлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига бағишланган алоҳида янгиланиб туриладиган ахборот варағи (сайти) ташкил этилмаганлиги, тижорат банкларининг "Ёш тадбиркор — юртга мададкор", ҳар чоракда "Энг яхши бизнес режа" ва "Иқтидорли ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш бўйича туман иқтисодий инфратузилмасини яхшилаш бўйича ёшлар ўртасида инновацион ғоялар" танловлари ўтказилмаганлиги ва дастурда кўрсатилган бошқа тадбирлар ҳам тўлиқ бажарилмаганлиги аниқланиб, туман прокурори томонидан туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи Б.Мингбаев ва бўлим мутахассиси Б.Медеуовларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди.

Учқудуқ туман ҳокимлигида тадбиркорларнинг мурожаатлари қабул қилиниши ва ҳал этилиши аҳволи ўрганилганда, фуқаро Б.Қодировнинг туманнинг "Мустақиллик" кўчасида жойлашган савдо дўконини кенгайтириш учун қўшимча ер ажратишни сўраб ёзган аризаси ғаладонда қолиб кетган. Туман бош архитектори Ю.Ҳақбердиев 1 ой 10 кундан сўнг қўшимча ер ажратиш учун объектнинг лойиҳасини туман ер танлаш ва ажратиш комиссиясига тақдим этиш лозимлиги ҳақида муаллифга ёзма равишда маълум қилиб, аризани кўрмасдан қолдирганлиги аниқланиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Шаҳар-туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясининг фаолиятида ҳам қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Хусусан, Томди туманида тадбиркорлик субъектларининг мавжуд муаммоларини ҳал этиш мақсадида ҳар ҳафтанинг жума куни ўтказиладиган "Очиқ эшиклар куни"да "Зарафшон чўл кувори" хусусий фирмаси раҳбарига иссиқхона қуриш учун кредит олишда амалий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги мурожаати бўйича берилган топшириқ ижроси таъминланмаган. Туман прокурори томонидан туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Н.Абдреймов устидан интизомий иш қўзғатилди.

Бундан ташқари, Хатирчи туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида ўтказилган текширишда, Республика Президентининг 2006 йил 24 майдаги қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва қўйилишини хабардор қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига амал қилинмаганлиги маълум бўлди. Фуқаро А.Саломовнинг аризаси юзасидан тўпланган ҳужжатлар инспекция томонидан ўз вақтида ҳокимликка тақдим қилинмагани натижасида туман ҳокимининг қарори Низомда белгиланган муддатдан кечиктириб чиқарилган. Фуқаро Б.Баратовнинг мурожаати кўриб чиқилишида ҳам шу каби камчиликка йўл қўйилган. Туман прокурори томонидан инспекция бошлиғи К.Шопўлатов, инспекция мутахассислари Р.Ҳакимова, Д.Сагдуллаевалар келгусида қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилиб, инспекция мутахассиси К.Тожиевга нисбатан интизомий иш қўзғатилган.

# Ишончни суиистеъмол қилманг

Икромжон СОЛИЕВ,
Поп туман прокурори

***Халқимиз — меҳнаткаш. Бир қарич ердан ҳам оқилона фойдаланиб, мўл ҳосил олишга астойдил тиришади. Қолаверса, дастурхонларимиз ҳам бободеҳқонларнинг пешона тери эвазига тўкин-сочин бўлмоқда, турмуш тарзимиз ўзгармоқда. Шу боис, мамлакатимизда аграр соҳада кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, фермерлик ҳаракатининг ривожи бу борадаги ижобий натижаларга хизмат қилмоқда.***

Аммо фермерлар орасида ҳам ўз ишига масъулият билан ёндашмасдан, кўпроқ нафсини ўйлайдиганлар учрамоқда. Масалан, Поп тумани "Машъал" ММТП ҳудудидаги "Аҳмаджон Асила" фермер хўжалиги раҳбари Олимжон Маъмуров "Поп пахта толаси" АЖ билан имзолаган контрактация шартномасига мувофиқ, 2011 йил ҳосили учун 115 гектар майдонга чигит экиб, 373,2 тонна ёки 219 млн. 441 минг 600 сўмлик пахта хомашёси етиштириши лозим эди. Бироқ у белгиланган майдоннинг 83,8 гектарига чигит экккан, холос. Қолган 31,2 гектар ернинг 13 гектарини пуллади (ҳар гектарини 700-800 минг сўмдан), 4,5 гектарини эса хўжалик ишчиларининг 15 нафарига тарқатиб юборди. Натижада, ушбу майдонда пахта ўрнига ерёнғоқ, маккажўхори ва полиз экинлари бўй чўзди. Бунинг устига 17,5 гектарда пахта етиштириш учун "Агробанк"нинг Поп туман филиалидан 7 млн. 464 минг 800 сўм имтиёзли кредит олиб, бу маблағни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди. Бу ҳам камлик қилгандек, 13,7 гектар ерга чигит экмасдан, бўш қолдирди. Оқибатда 59 млн. 530 минг 884 сўмлик пахта ҳосили бой берилди.

Шу ҳудуддаги "Турғунбой ота ўғли Абдуқодир" фермер хўжалиги раҳбари Маҳмуджон Инсовалиев ҳам қўшни фермердан "ортда қолмасликни" ўйлади-ми, режага кўра 53,4 гектар ернинг 42,6 гектарига чигит экди, холос. Қолган 10,8 гектарига эса ловия, полиз экинлари ва терак экди.

Буни қарангки, нафси ҳакалак отган фермер юқоридаги қилмиши учун ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётган пайтда ҳам қонунларни менсимади. Пахта экилган майдоннинг 16,6 гектарини ҳеч иккиланмай буздида, шоли экиш учун тайёрлаб қўйди. Бунинг оқибатида, 38 млн. 650 минг 980 сўмлик "оқ олтин" етиштириш имконияти йўқолди. Шунингдек, фермер туя ютган мисол 13 млн. 965 минг 780 сўмлик имтиёзли кредитни ҳам "ҳазм" қилиб юборди.

Ҳар икки фермерга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, айбдорларнинг қилмиши ҳудуддаги фермерлар иштирокида ўтказилган сайёр суд мажлисида муҳокама қилиниб, улар суд залидан қамоққа олиндилар.

Агар рақамларга назар ташласак, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида туман прокуратураси томонидан ерни ва банкдан ажратилган имтиёзли кредит маблағларини талон-торож қилган, улардан бемақсад фойдаланган фермерларга нисбатан 9 та жиноят иши қўзғатилиб, улар билан тузилган ер ижара шартномалари бекор қилинди. Қолаверса, мақсадсиз экин экилган 78,8 гектар ер майдони буздирилиб, чигит экилиши таъминланди. Шу билан бирга, талон-торож қилинган 55,1 млн. сўмлик кредитлар тўлиқ қопланди. Бундан ташқари, 51 нафар шахс маъмурий, 23 нафари моддий ва 16 нафари интизомий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорлик субъектларининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни бекиёс экани кўп бор таъкидланмоқда, бунга шак-шубҳа йўқ. Туман прокуратураси ходимлари мазкур йўналишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар ижросига доимо эътибор қаратиб келмоқда.

Хусусан, ўтказилган текширишлар давомида тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш, мурожаатларини вақтида кўриб чиқмаслик, уларнинг манфаатларини поймол қилиш, шунингдек, тадбиркорларни қонунга зид равишда маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йил текширишлар режасига асосан "Савдохарид" МЧЖда текшириш ўтказилди. Унда жамият омборининг айрим жойлари оқланмагани аниқланиб, жамият раиси Н.Маҳмудовга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Воҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 53-моддасида "Санитария қонун ҳужжатларини, санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузганлик" учунгина маъмурий жарима белгиланган, холос. Омборнинг айрим жойларини оқламаслик эса маъмурий иш қўзғатишга асос бўла олмайди.

Поп туманидаги "Амур-ота" фермер хўжалиги раҳбари О.Сарбоев қиш мавсумида электр насосларидан фойдаланмаган бўлса-да, туман электр тармоқлари корхонаси мутасаддилари томонидан қарздорлик ҳисобланганини маълум қилиб, бу муаммони бартараф этиш юзасидан ёрдам сўраб мурожаат этган. Туман прокуратураси томонидан 2011 йил 10 февраль куни "Ўздавэнергоназорат" давлат инспекциясининг вилоят бўлинмасидан мутахассис жалб этилди ва мазкур фермер хўжалигига қарашли насос станцияларида сарфланган электр энергияси учун 143 974 киловат ортиқча ҳисобланганни аниқланди. Шунингдек, ортиқча ундирилган маблағ фермер хўжалиги ҳисоб рақамига қайтарилиб, туман электр тармоқлари корхонаси муҳандиси Р.Мирзаевга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Шуни қайд этмоқ жоизки, туманда тадбиркорларнинг фаолият юритишлари учун етарли шарт-шароит яратиш, давлат ва назорат идоралари томонидан сансоларлик ҳолатларига йўл қўйиш бўйича 28 та ҳолат аниқланиб, туман прокуратураси аралашувидан сўнггина ушбу тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланган. Масалан, тумандаги "Мустақил" фермер хўжалиги раҳбари М.Қўчқоров туман прокуратурасига мурожаат этиб, "Попдонмаҳсулотлари" АЖдан 9 млн. 500 минг сўмлик дебитор ҳақини ундириш юзасидан вилоят хўжалик судига ҳужжат тайёрлаётгани, бироқ судга тақдим этилиши лозим бўлган солиштирма далолатномани жамият мансабдор шахслари имзоламай, сансоларликка йўл қўяётганини билдирган.

Ушбу ҳолат бўйича "Попдонмаҳсулотлари" АЖ ҳамда "Мустақил" фермер хўжалиги ўртасида қарздорлик юзасидан солиштирма далолатнома тузилиши таъминланиб, М.Қўчқоровнинг мурожаати қаноатлантирилди. Шунингдек, М.Тошматов ҚФЙ, "Темир йўл усти" МФЙда яшовчи А.Қодировга шу ҳудуддан иссиқхона ажратишда туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати ходимлари томонидан сансоларликка йўл қўйилгани аниқланиб, ер майдони ажратилишида амалий ёрдам берилди.

Бундан ташқари, "Замин" хусусий фирмаси бошлиғи Н.Маърупов ўзи бошчилик қилаётган қурилиш бригадаси "Попдонмаҳсулотлари" АЖда таъмирлаш ишларини бажарганни, бироқ улар ҳисоб рақамида пул йўқлигини баҳона қилиб, ҳамон 200 млн. сўм маблағни бермай келаётганини, оқибатда фирма иқтисодий томондан қийналиб қолганини баён этиб, кўмак сўраган. Прокуратура ёрдами билан "Замин" хусусий фирмасининг 200 млн. сўмлик ҳақи "Попдонмаҳсулотлари" АЖдан ундириб берилди.

Ўтказилган текширишлар натижаларига кўра аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 5 та тақдимнома киритилди. 3 та протест келтирилиб, 7 та интизомий, 2 та маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилди. Шунингдек, судларга 3,9 миллион сўмлик зарарни ундириш юзасидан даъво аризаси киритилиб, 1 та жиноят иши қўзғатилди.

Биз бежизга фермерлик ҳаракати ва тадбиркорлик, уларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар ва бу борада уларни қўллаб-қувватлаётганлар ҳамда аксинча тўсиқ бўлаётган ҳолатлар ҳақида сўз юритмадик. У фермер бўладими, тадбиркор ёки бошқа соҳа вакилими, унинг фаолияти билдирилган юксак ишончдан далолат. Буни суиистеъмол қилиш эса жавобгарликка гирифтор этади.

# Меҳнат қилишга кафолат борми?

***Мен соғлиғим туфайли бундан бир йил олдин ишдан кетган эдим. Соғлиғимни тиклаб олганимдан сўнг яна ишга кириш ниятида комбинатга бордим. Лекин эрта келинг, индин келинг, дея роса овора қилишди. Охири устларингдан шикоят қиламан, десам, бизда иш йўқ, деб айтишди. Улар шундай қилишга ҳақлими?***

**Хушназар Отаёров, Фарғона шаҳри**

Амалдаги Меҳнат кодексининг 78-моддаси талаби бўйича, ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди.

Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, ходимнинг талаби билан иш берувчи ишга қабул қилишни рад этишнинг сабабини асослаб, уч кун муддат ичида ёзма жавоб бериши шарт. Бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Асослантирилган жавоб бериш ҳақидаги талабларни қондиришни рад этиш ходимнинг ишга қабул қилиш ғайриқонуний равишда рад этилганлиги устидан шикоят қилишига тўсиқ бўлмайди.

# Уйдаги даромад

***Бундан бир неча йил олдин хўжалигида қорамол боқиб, уни сотишдан олган даромадига солиқ солинмаслиги ҳақида ўқиган эдим. Мен ўз уйимда тирик балиқ етиштираман. Агар уни сотадиган бўлсам, унга ҳам солиқ солинмайдими?***

**Жаббор Усмонов, Коғон шаҳри**

Амалдаги Солиқ кодексининг 179-моддасида жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари қайд этилган бўлиб, улар қаторида сиз тилга олган ҳолат ҳам ўз аксини топган. Хусусан, жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига солиқ солинмайди, дейилади мазкур моддада.

уй хўжалигида, шу жумладан, деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинадиган даромадлар. Манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари бундан мустасно. Ушбу имтиёзга эга бўлиш учун тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг бошқарувлари томонидан берилган, реализация қилинган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклдаги ҳужжатни олиши лозим бўлади.

# Тенг бўламизми?

***Биз икки опа-сингилмиз. Лекин синглим онамнинг ҳолидан хабар олмасди. Бироқ, онамнинг вафотидан кейин ундан қолган уйда ҳаққи борлигини талаб қила бошлади. Аслида у онам бир йил давомида хаста бўлиб ётганида ҳам келиб, хабар олишга ярамаганди. Бундай ҳолатда у мен билан меросни тенг олишга ҳақлими?***

**Наташа Понтелеева, Тошкент шаҳри**

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-онасига таъминот беришлари ва ғамхўрлик қилишлари шартлиги қонун билан белгилаб қўйилган. Ҳатто ота-онанинг давлат ёки нодавлат муассасаси қарамоғида бўлиши ҳам, фарзандларни ота-онасига ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди. Фуқаролик кодексининг 1119-моддасида, бундай мажбуриятни бажаришдан бўйин товлаган вояга етган, меҳнатга қобилиятли фарзандлар қонун бўйича ворислик қилиш ҳуқуқига эга эмаслиги белгиланган. Шунинг учун сиз мазкур ҳолатда синглингизни мерос мулкини олишдан четлатиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишингиз мумкин. Агар суд ҳақиқатан ҳам синглингизни нолойиқ меросхўр деб топса, уни ворисликдан четлатади.

*"Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.*

*Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.*

*Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас".*

**(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси)**

***Менинг бир ўртоғим бундан ўн йил аввал уйланган эди. Лекин турмуши келишмай, орадан олти ой ўтгач, ажралиб кетган. Шу пайтгача у ҳеч ким билан турмуш қурмаган эди. Яқинда уйланмоқчи бўлиб, никоҳдан ўтишга борса, расман никоҳдан ўтказишмабди. Никоҳдан ўтишни тақиқловчи ҳолатлар қонунда ёзилганми?***

**Зафар Раимбоев, Тўрткўл тумани**

# Имкони йўқ экан

Оила кодексининг 16-моддасида бундай ҳолатлар аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Хусусан, никоҳ тузишга:

— лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;

— насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

— лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди.

# Ҳайдовчилар яшарган сари...

***Кейинги йилларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш жуда юқори даражага кўтарилди. Бироқ, автобус ҳайдовчилари жуда ёшариб кетиб, улар томонидан катталарга қўпол муомала қилиш, автобусни истаганча бошқариш ҳоллари кўп учраяпти. Автобус ҳайдовчиларини танлашда бирон-бир талаб борми ўзи?***

**Зайниддин Йўлдошев, Олмазор тумани**

Бор, албатта. Бундай ҳолат Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрь кунги 482-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар"-да белгиланган. Жумладан, йўловчилар ташишга мўлжалланган автобусларни бошқаришга тегишли тоифага (малакага) эга бўлган, 21 ёшга тўлган ва тиббий кўрикдан ўтган ҳайдовчилар қўйилади.

Шаҳарлараро, тоғ йўналишларига, шунингдек бир марталик буюртмалар бўйича саёҳат-экскурсия ташишларига ва болаларни ташишга кейинги уч йилда автобус ҳайдовчиси бўлиб ишлаётган ҳайдовчилар қўйилади.



# Ишсизга кўмак

***Мен икки йил олдин штат қисқарганлиги сабабли ишдан бўшаган эдим. Шу пайтгача ҳеч қаерда ишлаганим йўқ. Бир танишимнинг айтишича, туман меҳнат органига ишга борсам, ишсизлик нафақаси тўланар экан. Шу тўғрими?***

**Пархиддин Гаибов, Зарафшон шаҳри**

Ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсларга тайинланади, дейилади "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасида. Қарамоғида ўн тагача киши бўлган, ўттиз беш ёшга тўлмаган ишсиз эркакларга ишсизлик нафақаси улар ҳақ тўланадиган жамоат ишларида Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда иштирок этган тақдирда тайинланади.

Ишсизлик нафақаси кўпи билан:

— ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календарь ҳафта;

— илгари ишламаган ва биринчи бор иш қидираётган шахсларга эса ўн икки ойлик давр мобайнида ўн уч календарь ҳафта тўланади.

Ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органида йўқламадан ўтиши керак.

Ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат органи томонидан шахс иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн биринчи кундан кечиктирмай қабул қилинади.

Қуйидагилар ишсиз деб эътироф этилмайди:

— меҳнат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида таклиф этилган мақбул келадиган ишни икки марта рад этган шахслар;

— рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида мақбул келадиган ишни қидириш мақсадида узрсиз сабабларга кўра меҳнат органига келмаган шахслар.

Таклиф этилган ишдан бош тортган кундан ёки мақбул келадиган ишни қидириш мақсадида узрсиз сабабларга кўра меҳнат органига келмаган кундан бошлаб, ўттиз календарь кун ўтганидан кейингина шахс иш қидираётган сифатида қайта рўйхатдан ўтишга ҳақли бўлади.

# Баҳона ўтмайди

***Мен оилада ёлғиз ўғилман. Оиламизда автомашина дадамда ва менда бор. Вақти келганда, алмашиб кетаверамиз. Яқинда дадамнинг машинаси бироз қийнаётгани учун ўзимникини қолдириб, дадамникини миниб чиқиб кетдим. Аксига олиб ҳужжатларни олишни унутибман. Автоинспектор ҳам худди билгандек тўхтатди. Ҳар қанча уринсам ҳам ишонтиролмадим. Бундай ҳолатлар учун қандай жавобгарлик белгиланади?***

**Олмосбек Ҳамроев, Қўқон шаҳри**

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги, шунингдек, транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси (ушбу Кодекс 135-1-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно), қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса лицензия карточкаси ёки йўл варақаси ёнида бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариши, худди шунингдек, ишончномаларни, транспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ва ижарага бериш шартномаларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан (ҳисобга қўймасдан) транспорт воситаларини бошқариши — Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 135-моддасига мувофиқ, энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг шу воситаларни бошқариши, худди шунингдек, бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсга транспорт воситаларини бошқаришни топширилиши эса, энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг бундай воситаларни бошқариши энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солинишига олиб келади.

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**

**Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Ниқиқ» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.**

**Саволларга ҳуқуқшунос Доньёр ХАЛИЛОВ жавоб берди.**

*Ҳукуматимиз томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар туфайли тадбиркорликка тўсқинлик қилаётган, уларнинг эркинлигини чеклаётган бир қанча муаммолар ўз ечимини топмоқда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг поймол бўлган ҳуқуқларини тиклаш, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳуқуқий актларини бекор қилиш йўллари билан тадбиркорни қўллаб-қувватлаш, бизнесни ривожлантириш масалалари судлар фаолиятининг диққат марказида бўлмоқда.*

# Имконият эшиклари очиқ

**Фарҳод ИСМОИЛОВ,**
Бош прокуратура бўлим катта прокурори

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини тўла таъминлашга қаратилди, десак асло янгилишмаган бўламиз. Мазкур фармонга асосан, эндиликда тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари фақат судлар орқали амалга оширилмоқда.

"Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги Фармон эса, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, судлар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа идоралар томонидан қўлланиладиган таъсир чораларини либераллаштиришнинг улкан қадами бўлди. Эндиликда мазкур фармонга асосан, тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан материаллар суд органларига тақдим этилмайди ва маъмурий жавобгарлик чораси билан чекланилади, холос. Фақат бундай ҳуқуқбузарлик қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятли бўлиши, давлат бюджети ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловларнинг камроқ тушумига олиб келмаслиги лозим. Шу билан биргаликда, материаллар суд инстанцияларига топширилганидан сўнг, билиб-билмай ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорга яна имконият бериш мақсадида тадбиркорлик субъекти томонидан ихтиёрий равишда етказилган зарар ёки пеня тўланган тақдирда молиявий жавобгарликдан озод этиш тамойили ўрнатилди.

Бундай меъёрларнинг белгиланиши катта ниятлар билан иш бошлаган, аммо биринчи марта билиб-билмай ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркор учун берилаётган яна бир имкониятдир.

Бу эндигина енг шимариб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган шахсларга назорат органлари томонидан тўсқинлик қилиш ёки бўлмаса, ғайрат-шижоат билан фаолиятини авж олдираётган тадбиркорга нисбатан "қинғир ишлар" тўғрисида уни айблаб, идорама-идора югуртиришнинг мавриди эмаслигини англатади.

Шундай экан, ҳақли савол туғилади: тадбиркорларимиз томонидан қонунларимизга ҳамма вақт ҳам амал қилинаяптими?

Тадбиркорларни арзимаган савдодан тушган 1-2 минг сўм пул маблағини назорат касса машинаси хотирасига киргизмаслиги натижасида қонун талаблари бузилганлиги ҳолати бўйича миллионлаб жаримани ундириш тўғрисидаги даъво аризалари келиб тушаётганлиги ҳам ачинарли ҳолдир.

Сирдарё вилоят хўжалик судидаги тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризаларни ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, аксарият аризалар солиқ идоралари томонидан берилган бўлиб, улар бевосита тадбиркорлик субъектларида ўтказилган текширишлар чоғида аниқланган ҳуқуқбузарликлар билан боғликдир.

Суд амалиёти таҳлилларига назар ташлайдиган бўлсак, тадбиркорлар томонидан аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш қонун-қоидаларининг бузилишига йўл қўйилаётганлиги, хусусан, назорат касса машиналарини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан, савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, шунингдек, харидорга квитанция ёзиб бериш, талонлар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чекларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда, бундай ҳужжатларни бермаслик, товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик каби жиддий қонунбузарликларга йўл қўйилаётганлиги ҳам аниқланган.

Шу ўринда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юртдошларимизга шуни ҳам эслатиб ўтишни жоиз деб билдикки, ота-боболаримиз тижорат ишига, ишбилармонликка қўл урган кишиларга виждонли ва ҳалол бўлишни доимо уқтириб келишган. Давлатимиз ҳуқуқий демократик ривожланиш йўлидан борар экан, хоҳ у тадбиркор бўлсин, хоҳ давлат идораси ходими бўлсин, қонунларнинг сўзсиз бажарилиши ва унга риоя этилиши ҳамма учун мажбурийдир.

# Фуқаролик ҳуқуқида даъво муддатлари

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

**Матлуба АМИНЖОНОВА,**
Бош прокуратуранинг ОЎК кафедра бошлиғи, ю.ф.н.

Даъво муддатлари даъвонинг турларига қараб, турлича белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 150-моддасига кўра, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича умумий даъво муддати уч йилдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида умумий даъво муддатлари билан бир қаторда, махсус даъво муддатлари ва даъво муддатлари жорий этилмайдиган талаблар ҳам ўз аксини топган.

Махсус даъво муддатлари фақат тегишли қонунларнинг ўзида акс эттирилган бўлиб, айрим турдаги талаблар учун умумий даъво муддатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус даъво муддатлари белгиланиши назарда тутилади. Бунга шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун неустойка қўллаш бўйича олти ойлик муддат белгиланганлиги, ходимни ишга тиклаш ҳақидаги ариза билан судга ишдан бўшатилганлиги ҳақидаги буйруқни олгандан бошлаб бир ой ичида даъво қилиш муддати белгиланганлигини мисол сифатида келтириш мумкин.

Даъво муддатларининг белгиланиши ҳал этилиши лозим бўлган низолар юзасидан аниқлаштирилиши лозим бўлган фактлар ва далиллардан фойдаланиш имкониятини йўқотмасликни таъминлайди. Чунки, белгиланган муддатларнинг ўтиши низоларнинг қонуний ҳал этилишини мураккаблаштиради. Яъни ҳуқуқшунос олим Н.Имомов таъкидлаганидек, "Даъво муддати субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя этиши учун шахсга бериладиган сўнгги имконият. Бу вақт оралиғида шахс ўз ҳуқуқларининг амалга оширилишини талаб қилмаса, уларни йўқотади".

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида фуқароларнинг ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан айрим талабларга даъво муддатлари қўлланилмаслиги ҳам белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 163-моддасига кўра, даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар доираси белгиланган. Яъни, ушбу модда талабига кўра даъво муддати қуйидагиларга жорий қилинмайди:

— шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

— омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисида банкка қўядиган талабларига;

— фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга. Даъво муддати ўтганидан кейин қўзғатилган талаблар даъво қўзғатилишидан олдинги кўпи билан уч йил бўйича қондирилади;

— жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга;

— мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни бартараф этиш ҳақидаги талабларига;

— мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга ва қонунда белгиланган ҳолларда бошқа талабларга даъво муддатлари жорий этилмаслиги белгиланган.

Юқоридаги даъво муддатлари жорий этилмайдиган талабларнинг мазмунидан кўриниб турибдики, фуқаронинг ҳаёти, мол-мулки ҳар қандай тажовузлардан муддатсиз равишда ҳимояга олинган.

Шунингдек, мамлакатимиздаги тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматга эга бўлган мол-мулклар ҳамда бошқа қимматбаҳо объектлар давлат бойлиги ҳисобланиб, уни ҳимоя қилиш бўйича ҳам муддат белгиланмаган.

Шу ўринда мамлакатимиздаги тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматга эга бўлган мол-мулклар ҳамда бошқа қимматбаҳо объектлар ҳар доим ҳам бебаҳо ҳисобланишини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг юртимизда тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматга эга бўлган мол-мулклар ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайта таъмирлаш, уларни келажак авлодга шундайлигича етказиш мақсадида улкан ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда мустақиллик йилларида қўлга киритилган қимматбаҳо объектлар, тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматга эга бўлган мулклар келгусидаги авлодлар учун тарихий манба бўлиб ҳисобланиши билан ҳам бебаҳодир. Ана шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг даъво муддатлари жорий этилмайдиган талабларни ўзида ифода этган 168-моддасининг 7-қисмини "Мамлакат чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга" — деган мазмундаги янги таҳрирда берилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, ушбу модданинг 7-қисмидаги "Мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга" — деган жумла, мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг чегарадан олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларга даъво муддати қўлланилишини ифодалайди.

Ҳар қайси жамиятда қўлга киритилган тарихий, маданий ва илмий ёдгорликлар давлат бойлиги ҳисобланиб, у ҳар доим қадрли ва бебаҳодир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 168-моддасини юқорида келтирилган таҳрир билан такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

# Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки **«007»** қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

| № | Прокуратура органлари | Ишонч телефонлари | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | Код: 8371 | 232-43-91<br>232-45-40 |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти | Код: 8371 | 233-84-20 |
| 3. | Андижон вилоят прокуратураси | Код: 8374 | 224-06-09 |
| 4. | Бухоро вилоят прокуратураси | Код: 8365 | 223-74-79 |
| 5. | Жиззах вилоят прокуратураси | Код: 8372 | 226-09-62 |
| 6. | Қашқадарё вилоят прокуратураси | Код: 8375 | 221-07-82 |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси | Код: 8361 | 222-26-39 |
| 8. | Навоий вилоят прокуратураси | Код: 8436 | 225-07-17 |
| 9. | Наманган вилоят прокуратураси | Код: 8369 | 226-23-02 |
| 10. | Самарқанд вилоят прокуратураси | Код: 8366 | 235-07-34 |
| 11. | Сирдарё вилоят прокуратураси | Код: 8367 | 223-38-22 |
| 12. | Сурхондарё вилоят прокуратураси | Код: 8376 | 223-20-36 |
| 13. | Тошкент шаҳар прокуратураси | Код: 8371 | 271-12-26 |
| 14. | Тошкент вилоят прокуратураси | Код: 8371 | 277-76-18 |
| 15. | Фарғона вилоят прокуратураси | Код: 8373 | 224-04-80 |
| 16. | Хоразм вилоят прокуратураси | Код: 8362 | 227-45-71 |

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**

*"Тавба, "Тоғ тоғ билан эмас, одам одам билан учрашади", деганлари рост экан. Ўшанда устозимни ишхонада учратиб қолганим заб иш бўлди-да! Мазаси йўқ экан, ҳамкасбларимга кўрсаттирдим. Шу баҳонада даволаниб ҳам олди"*

# Панд берган ишонч

Мирзо ҲАМДАМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори
Ғофуржон АЛИМОВ,
«Ниқиқ»

Ўша куни Фароғат (исм-фамилиялар ўзгартирилган) уйига ҳар қачонгидан хурсанд ҳолда қайтди. Буни қарангки, устози Шоира опа фирма очиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётганмиш. Ишхонасига чақирди, хонасини кўрсатди. Ҳаммаси майли-я, айниқса, "Хоҳласанг, сенга ҳам шу ердан шифохона очиб бераман", деганига нима дейсиз? Айни Фароғатнинг кўнглидаги гапни айтди-да. Бунинг учун атиги 2 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ кетармиш.

Узоқ ўйлаб ўтирмай, опасининг ҳузурига йўл олган Фароғат ундан қарзга 2 минг доллар олиб, устозига келтириб берди-да, хушхабар кута бошлади.

Бироқ ёз ўтиб, куз ҳам бошландики, устозидан янгилик бўлмади. Шундай кунларнинг бирида Шоира опа телефон қилиб, ишхонасига келиб-кетишни сўради. Хушхабар илинжида унинг ҳузурига борган Фароғатни устози яхши кутиб олди. Ҳол-аҳвол сўрагач, керакли ҳужжатларни деярли тайёрлаб қўйганини, аммо маблағ масаласида яна озгина муаммо борлигини айтиб, бу сафар атиги 900 доллар билан иш битишини билдирди. Фароғат нима бўлса ҳам, иши битишига умид қилишини, пулни тезда олиб келиб беришини айтиб, ортига қайтди. У эртасигаёқ айтилган миқдордаги пулни устозига етказди.

Орадан беш кунлар ўтгач, Шоира опа яна уни йўқлаб қолди. Бу сафар опа унга ҳамма иш битганини, энди шифохона учун хориждан иш қуроллари келтириш зарурлигини, улар эса фалон пул туришини писанда қилиб, яна 3 минг доллар кераклигини айтди. Фароғат бу сафар ҳам унинг гапларига ишониб, айтилган пулни етказиб берди. Шу билан устоз яна жим бўлиб кетди. Фароғат бир-икки марта унга учрашган эди, сабр қилгин, деган жавобни олди.

Янги йил ўтгач, кута-кута ҳафсаласи пир бўлган Фароғат Шоира опанинг ҳузурига бориб, иш битмаган бўлса пулларини қайтариб беришни сўради.

— Фароғат, мен сени бирор марта алдаганмидим. Ахир мени неча йиллардан бери танисанг, билсанг, энди ишонмай қолдингми?

— Опажон, нега унақа дейсиз? Аввало, қилаётган ишингизга роса ҳавасим келди. Фирма очиб, директор бўлибсиз. Энди менга ҳам ёрдам бермоқчи бўласиз-у, сизга ишонмайманми?

— Ишончинг учун раҳмат. Энди гапни эшит. Сени бекорга йўқламадим. Шу десанг, шифохона очишнинг ҳеч иложи бўлмаяпти. Жуда қийин иш экан. Таниш-билишлар ҳам, пул ҳам иш бермади.

— Вой опа, энди нима қиламиз?

— Ваҳима қилмасанг-чи! Қолаверса, "Чиқмаган жондан умид", деган гапни ҳам эшитгансанг, тўғрими? Хуллас, менда бошқа режа бор. Агар хўп десанг, шу бинонинг пастки қаватида минимаркет очамиз. Дўкон бўлгандан кейин, фойдаси ҳам шунга яраша бўлади. Шунга нима дейсан?

— Билмасам, опа. Бунақа нарсаларни яхши тушунмайман. Нима, шифохонага берган пулни минимаркетга ишлатасизми?

— Нималар деяпсан?! Минимаркет очишнинг ўзи буларканми? Аммо, иш бошлаган заҳотинг пуллар ўз-ўзидан оқиб келаверади. Ўрни ҳам тезда қопланади. Бунинг учун яна 15 минг доллар олиб келсанг, яхши буларди.

Катта миқдордаги пулни эшитиб, Фароғатнинг боши қотиб қолди. Опага ишонай деса, ҳалигача ваъдасини бажармади. Ишонмай деса, шу пайтгача алдамаган. Бундан ташқари, ўзўзидан оқиб келадиган пуллар унинг кўзини шамғалат қилди, шекилли, қандай қилиб рози бўлганини ўзи ҳам билмай қолди. Хуллас, келаси ойда бир амаллаб 4 минг 900 доллар топиб, устозига келтириб берди.

Бу сафар опа сўзининг устидан чиқди. Кўп ўтмай кичикроқ бўлса-да, дўкон ишга тушди. Бироқ, нима учундир Фароғат умид қилган фойдадан дарак бўлмади. Бу ҳақда устозига айтган эди, бу дўкон кичиклик қилаётгани, каттароғини очишса, даромад ҳам шунга яраша бўлиши, бунинг учун эса, яна пул тикиш кераклиги ҳақида жавоб олди. Айтмоқчи, Шоира опа гап орасида ҳаётини тикиб, кредит олиш ниятида юрганлигини, насиб қилса, тез кунларда барча қарзларидан қутулишини ҳам қистириб ўтди. Фароғат бу сафар ҳам ноилож қолди. Шундай қилиб, 2009 йилнинг ноябрь ойидан 2010 йилнинг декабригача устоз шогирдидан яна 9 минг АҚШ доллари олди. Аммо вақт ўтгани сайин ўзи кутган натижа бўлмагач, шогирд алданганини тушуниб етди...

Буни қарангки, аллақачон 70 ёшни қоралаган бўлса-да, ёшларга панд-насиҳат қилиб, йўл-йўриқ кўрсатиш ўрнига таниш-билишларини алдаб даромад топишни касб қилиб олган Шоира Исакованинг тузоғига тушган фақат Фароғат Иброҳимова эмас экан.

Машҳура Соатова Шоира Исакова билан бир дугонаси орқали танишган эди. Ўшанда Шоира опа ўзини катта бизнесмен сифатида таништириб, хориждан турли хил моллар олиб келишини, агар истаса, уни ҳам ўзига шерик қилиб олишини айтади.

— Опажон, одамни қизиқтириб қўйдингиз-ку. Агар сизга шерик бўлсам, қанча фойда кўришим мумкин?

— Буниси энди қўшадиган ҳиссангизга боғлиқ, синглим. Ўрта ҳисобда ойига тахминан 1 минг-1,5 минг доллар атрофида фойда кўрасиз...

Осон даромад кимга ёқмайди, дейсиз. М.Соатова "катта бизнесмен" опага қандай қилиб 56 минг 800 АҚШ долларини ўз қўллари билан келтириб берганини билмай ҳам қолди...

Опанинг тузоғига илинганлардан яна бири Санобар Мирҳамидова бўлади. Унинг "учар тадбиркор" ҳисобланган Ш.Исакова билан танишганига деярли 10 йилдан ортиқроқ муддат ўтган бўлиб, бир неча бор алданган бўлса-да, бу сафар ҳам унинг гапларига лаққа тушди-қолди.

/Давоми 8-бетда/

*Муаллим — улуғ зот. Бирон киши йўқки, алифбони ўргатган биринчи муаллими, турли фанлардан сабоқ берган ўқитувчиларини кўнглининг тўрида ардоқламаган бўлса! Муаллимлар инсоний фазилатлари, бирбирига ўхшамайдиган феъл-атворлари билан ҳам ўқувчиларининг бир умр ёдида қолади. Ҳалолу-поклик борасидаги сабоқлари, бевосита шахсий намуналари билан шогирдларининг келгуси ҳаётларига билвосита таъсир ўтказади.*



# Аччиқ сабоқ

Д.ҚЎЛДОШЕВ,
Фарғона вилоят прокуратураси катта терговчиси

Мактабларимизда умрини таълим-тарбияга бағишлаган фидойи ўқитувчилар фарзандларимизга юқори савияда билим беришяпти. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмагани каби, айрим нафсининг қулига айланган кимсалар томонидан муаллим номига доғ туширилган ҳолатлар ҳам афсуски, учраб турибди.

Хосият опа (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бир ойча аввал нафақага чиққан эди. Мактабни, ҳамкасбларини соғинди. Ёзнинг ўрталари, болалар таътилда, айрим ўқитувчилар меҳнат отпускасида, айримлари ишда эдилар. Ҳамкасблари билан кўришиб, кўнгли анча ёзилган опа, мактабдан чиқаётганида таниш йигит у билан саломлашди.

— Яхшимисиз, опа, — деди Фирдавс. — Битта илтимос, жияним шаҳарнинг нариги четида туради-ю, отаси шу мактабда ўқитмоқчи. Директорга учраган экан, фақат ҳудудимиздаги болаларни ўқишга оламиз, деб кўнмабди. Бирга ишлагансизлар, сизга йўқ демайди, илтимос...

— Бўпти, мен гаплашиб кўраман, — Хосият опа шундай деб, ортига қайтди.

Маърифатхон билан неча йиллар ёнма-ён ишлашган, директор ўринбосари лавозимида унинг топшириқларини бекам-кўст бажариб юрган, сўзини икки қилмаса керак. Аммо...

— Сира иложи йўқ, биринчи синфларга ҳужжатларни олиб бўлдик, — деди Маърифатхон.

— Яхши одамлар эди...

— Майли-ю, бир юз эллик доллар беришлари керак...

Хосиятхон шапалоқ егандай қизариб-бўзарди. Бу қанақаси? Қачондан бери пора олиб мактабга қабул қиладиган бўлиб қолибди? Наҳот ёнма-ён ишлаб юриб директорнинг шу қадар разолатга ботганини сезмаган бўлса? "Мен Фирдавсга бу гапни қандоқ айтаман? Турган гап, мени директорга шерик, деб ўйлайди. Суф сенга, деб терс бурилиб кетади. Бу ҳам майли, мактабдагиларнинг ҳаммаси порахўр экан, деган хулосага келмайдими?"

— Хўп, айтиб кўраман, — деди Хосиятхон опа аранг ўзини қўлга олиб.

Лекин, Фирдавсга лом-мим демади. Неча йиллар болаларга таълим-тарбия бериб нафақага чиққан, биронта ота-онадан бирон нарса сўраб олмаган муаллима директорнинг тамагирлиги ёмон таъсир қилди. "Бу нима деган гап? Вақти келиб ота ўғлига сени фалон пул бериб мактабга жойлаганман, деса, боланинг покиза дили дарз кетмайдими? Тамагир мактаб директорининг ҳалоллик-поклик борасидаги ваъзлари чўпчак бўлиб туюлмайдими? Ўқитувчиларга ҳурмат-эҳтиром ўрнини менсимаслик туйғулари эгаллламайдими? Йўқ, мактаба, муқаддас таълим даргоҳида ҳаром-ҳариш ишларга ўрин бўлмаслиги керак".

Хосият опа Қўқон шаҳар прокурорининг қабулига борди. Унинг мурожаати бўйича шаҳардаги 1-умумтаълим мактабида тадбир ўтказилди. Мактаб директори етти яшар болани биринчи синфга ўқишга олиш учун 150 АҚШ доллари миқдорида пора олган чоғида ушланди.

Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, ўтказилган тафтиш мобайнида устаси фаранг директор ҳамда шерикларининг бошқа жиноий қилмишлари ҳам фош этилди. Маърифатхон қўл остида ишлаётган илмий бўлим мудири Назокатхон, бош ҳисобчи Ҳафизахон ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Содиқжонларни ўз измига бўйсундирган экан. Улар директорнинг чизган чизиғидан чиқишмаган. Гапини икки қилмасдан, ғайриқонунийлигини кўра-била туриб, буйруқларини сўзсиз бажаришаверган.

Директор дастлабки терговдаги кўрсатмасида айтганидек, танишларининг иш стажи юриб турса бас, маошни ўзингиз олаверасиз, деган илтимосларини "ерда қолдира олмаган". 2008 йилнинг апрель ва октябрь ойларида фуқаро Э.Нурматов ва А.Садиковларни ишчи-ходим қилиб, 2010 йил сентябрь ойида А.Юлдашевни ўқитувчиликка ишга олиш ҳақида сохта буйруқлар чиқарган. Хўжалик ишлари бўйича ўринбосар Содиқжон директорнинг буйруғи билан бирон марта ишга келмаган ишчиларга ҳар ойда иш ҳақи табелларини тўлдирган. Илмий бўлим мудири Назокатхон эса мактабга умуман қадам босмаган А.Юлдашевга, ишламай қўйган ўқитувчилар А.Нажмиддинов ва Ф.Ходжиматоваларга дарс соатларини ўтаётганларини қайд этиб, табелларни тўлдириб, тўловга тақдим этаверган.

А.Нажмиддиновнинг гардандидаги кимё, иқтисодиёт ва биология фанларидан жами 47 соат дарслар ўтилмай қолган. Директорнинг буйруғи билан ушбу фанлар ўтиладиган соатларда синф раҳбарлари ўқувчиларни турли машғулотлар билан банд этишган. Шу тариқа болалар юқоридаги фанлардан тўкис билим олишмаган.

Хўжалик ишлари бўйича ўринбосар бўлса, ғазначи вазифасини ҳам бажарган. Бироқ банкдан олган иш ҳақларини тарқатмасдан, директорга келтириб берган. Маошларни шахсан Маърифатхоннинг ўзи тарқатган. Ишламаётган ходимлар ўрнига ўзи қалбаки имзо қўйиб, пулларини олаверган.

Шу тариқа, 2008 йилнинг апрелидан 2011 йил август ойига қадар сохта табеллар тўлдириш, ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан иш ҳақи сифатида олинган жами 5 млн. 472 минг сўмлик бюджет маблағлари ўзлаштирилиб, талон-торож қилинган. Жиноий гуруҳ аъзолари ушбу пулларни ўзаро бўлиб олиб, шахсий эҳтиёжларига сарфлашган.

Жиноий гуруҳ аъзолари, шунингдек, ходимларга тарқатилиши лозим бўлган мукофот ва таътил пулларини ҳам ўзлаштириб, талон-торож қилишган.

Дастлабки терговдаги каби суд мажлисида судланувчилар қилмишларига иқрор бўлишди. Уларнинг жиноий қилмишлари ҳужжатли далиллар ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ҳам тўкис исботини топди. Устоз, муаллим деган улуғ номга доғ туширган нафс бандалари қилмишларига яраша жазо олишди. Шаҳар халқ таълими бўлими эса бу аччиқ сабоқдан тегишли хулоса чиқариши, мактабларда таълим-тарбия жараёнини доимий назорат қилиб бориши лозим.

# Панд берган ишонч

/Давоми. Бошланиши 7-бетда/

— Синглим, ҳозир чет эл билан иш қилишни бошлаганман. Ишонсангиз, арзимаган вақт ичида яхшигина даромад ҳам қилдим. Шунга ўйлаб-ўйлаб, сизни ҳам ҳамкорлик қилишга таклиф қилмоқчиман. Масалан, Чехиядан пиво заводи билан ахлат тозалаш ускуналарини олиб келишни режалаштирганман. Агар сиз ҳам пул тиксангиз, тез кунларда ана шу ишларни амалга ошираридк. Қарабсизки, пул деганни, ўзўзидан оқиб келаверади. Санаб, саноғига ҳам етолмай қоласиз. Хўш, нима дейсиз?

— Опа, таклифингиз яхшику-я, қанча керак ўзи?

— Арзимаган 100 минг бўлса бўлди. Сиз пулни берсангиз, қолганини ўзим амаллайман. Буёғидан хотиржам бўлаверинг...

Шу тариқа С.Мирҳамидова ҳам 2011 йилнинг январь ойида йиғиб қўйган бор маблағига танишларидан қарз-ҳавола қилиб, 56 минг 750 АҚШ долларини опага тутқазди. Ш.Исакова уни ишонтириш учун шу заҳоти тилхат ёзди ҳамда ўзи фаолият юритаётган фирманинг ҳужжатларидан ҳам нусха олиб, С.Мирҳамидовага топширди.

Тахминан 10 кунлардан сўнг, С.Мирҳамидова унинг ёнига бориб, ишларнинг кетиши билан қизиққан эди, опа пулларни Чехия давлатига юборганини, тез кунларда жавоб келишини айтиб, хотиржам қилган бўлди. Кейинчалик яна хабар олган эди, опа у билан қўпол муносабатда бўлиб, хонасидан чиқариб юборди...

Ҳаммаси майлику-я, ёлғон ваъдалар билан ҳамюртларининг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, маблағларини ундиришни касб қилган Ш.Исакова ўз манфаати йўлида ҳатто мақоламиз аввалида келтирганимиз, шогирди Фароғат олиб бориб даволатган шифокорни ҳам алдаганига нима дейсиз? Ўшанда Сожида Камолова ҳамкасби Фароғат устозим дея бошлаб келган аёлни кўриб қўйганидан сўнг телефон рақамларини алмашган эди. 2010 йилнинг баҳор ойларида қўнғироқ қилган Ш.Исакова унга ҳам тадбиркорлик қилишни таклиф қилиб, бошланишига 50 минг доллар сўрайди. Аммо С.Камолова бунча пули йўқлигини айтиб, рад қилгач, ўша йилнинг ноябрь ойида синглиси тўй қилаётгани, пулга қийналиб қолганини баҳона қилиб, бир ой муддатга минг доллар қарз сўрайди. С.Камолова ҳам унга ишониб, пулни ўз қўли билан олиб бориб беради. Опа бўлса, пулни олади-ю, бадар кетади...

2011 йилнинг феврал ойида тасодифан Фароғатни учратиб қолади-ю, опага пул берганини айтади. Ўз навбатида Фароғат ҳам опага ишониб, фалон сўм берганини гапириб беради. Хуллас, иккаласи келишиб, пулларини олишолмаса, тегишли органларга мурожаат қилишни маслаҳатлашиб, хайрлашадилар. Аксига ўша куни опа унга қўнғироқ қилиб, шу кунларда ҳисоб рақамига 200 млн. сўм тушишини, пулни ўша заҳоти тўғрилаб беришини ваъда қилади. Бироқ, орадан кунлар, ойлар ўтса-да, пулдан дарак бўлмайди. Шундан кейин тоқатлари тоқ бўлган жабрдийдалар ариза ёзишга мажбур бўладилар.

* * *

Бугун аёлларимизнинг дунёқараши юксалиб, улар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини яхши англаб етган десак, муболаға бўлмайди. Аммо афсуски, юқоридаги ҳолатда бўлгани каби, ҳали-ҳануз бирор ишни бошлашда қонуний йўлдан бормай, охир-оқибат фирибгарларнинг тузоғига илиниб қолаётган ҳамюртларимиз ҳам учраб турибди. Гарчи, суд томонидан Ш.Исаковага қилмишига яраша жазо тайинланиб, ундан жабрланувчилар фойдасига етказилган зарарни ундириш белгиланган бўлса-да, уларга етказилган маънавий зарарни, асаббузарликларни ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайди.

# Пул сотувчи пулдорлар

*"Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич", деган нақлда ҳалол меҳнат билан кун кўришга даъват бор. Бундай кишилар ҳеч нарсадан ҳадиксирамай эркин яшайдилар. Аксинча, қинғир йўллар билан бойлик орттиришни ўзига касб қилиб олганлар ҳамиша ва ҳар қадамда нимадандир чўчиб, беҳаловат ҳаёт кечирадилар. Валютафурушлик билан шуғулланувчилар ана шундай кишилар жумласидан.*

Дилшод **АЛИМОВ**,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг
Қашқадарё вилоят бошқармаси матбуот
гуруҳи катта инспектори

Фуқаро Азиз Шомуродов ҳам бир йилдирки, валютафурушлик билан шуғулланиб келарди. Унинг тирикчилик манбаи АҚШ доллари ва Россия рублларини сотиб олиш ва устамасига сотишдан иборат эди.

Маълумки, миллий валютамиз қадрини туширишга, шу орқали мамлакат иқтисодиётига зарар етказишга асосланган бундай хуфиёна савдога қарши ҳуқуқ-тартибот органлари жиддий кураш олиб бормоқда. Шаҳримизнинг қайта таъмирланаётган буюм бозори ёнида ўтказилган тезкор тадбирда валютафуруш Азиз Шомуродов ҳар бир АҚШ долларини 2460 сўмдан сотиб олаётганда қўлга олинди.

Шунингдек, СВОЖЖДЛҚК Департаментининг вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда муқаддам валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш жиноятини содир этиб судланган ва амнистия актига кўра жазодан озод қилинган Улуғбек Қодиров 3500 АҚШ долларининг ҳар бирини 2450 сўмдан ҳисоблаб, устига устама нарх қўйиб сотиш учун 8 миллион 575 минг сўмга сотиб олаётган пайтида ушланди. У яна эски "касби"га қайтишни маъқул кўриб, валютафурушлик билан шуғуллана бошлаган экан.

Муборак шаҳрида яшовчи Шариф Қулиевнинг касбу кори ҳам юқорида номлари кўрсатилган шахсларнинг қилмишларига ҳамоҳанг. "Доллар оламиз, доллар сотамиз" унинг кун бўйи қиладиган иши ана шу сўзларни минг хавотир ичида такрорлаб туришдан иборат. Аммо долларфурушнинг қилмиши Департаментнинг туман бўлими ходимлари нигоҳидан четда қолмади. Шариф Қулиев ва унинг шериги Бахтиёр Жўраевнинг ноқонуний фаолиятига ўз вақтида чек қўйилди. Жиноят устида қўлга тушган шериклар кўздан кечирилганда Ш.Қулиевнинг ёнида сотиш учун олиб чиққан 3470 АҚШ доллари, 10570 Россия рубли ҳамда чет эл валютасини сотиб олиш мақсадида олиб юрган 1 млн. 319 минг 500 сўм пули борлиги маълум бўлди.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар юзасидан қонунбузарларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукмлари чиқарилди ва тегишли жазо тайинланди.

Умуман олганда, Департаментнинг вилоят бошқармаси ва жойлардаги ҳудудий бўлимлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар яхши натижа бермоқда. Валютафурушларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш, жиноятнинг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида 30 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди. Валюта олиш ва сотишни касб қилиб олган шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 32 минг 121 АҚШ доллари, 105 минг 70 Россия рубли ва 68 млн. 798 минг Ўзбекистон сўми ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валюта операцияларини амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган, 2003 йилнинг 11 декабрида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган янги таҳрирдаги "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинган. Республикамизда валютани тартибга солувчи давлат органи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобланади. Мамлакатимиз ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш: юридик шахслар томонидан ваколатли банклар орқали жисмоний шахслар томонидан ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлаш шохобчалари орқали амалга оширилади. Шунга кўра, чет эл валютасини бошқа кўринишда сотиш ва сотиб олиш қонунга хилоф ҳисобланиб, белгиланган тартибда маъмурий ва жиноий жавобгарликка олиб келади.

Белгиланган тартибни бузиб, валюта қимматликларини олиш ёки ўтказиш давлатнинг валюта заҳираларига катта миқдорда зиён етказилиши, чет эл валютасига нисбатан пул бирлиги бўлган сўмимиз расмий валюта курси барқарорлигига путур етиши, бир тоифа шахсларнинг қонунга хилоф равишда бойишига хизмат қилади.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бундай ҳуқуқбузарликка йўл қўйиб бўлмайди. Мамлакатимизда жорий этилган қонунлар ҳамиша халқ манфаатини кўзлайди ва валюта муомаласи борасида ҳам унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Шу боисдан ҳам пул сотувчи пулдорларни бундан огоҳ қилиш, бу борада қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш бизнинг вазифамиз ва бурчимиздир.

# Тамагирлик — иллат

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисида"ги Низомга кўра, божхона пости ходимлари томонидан ушланган мол-мулк мусодара дўконига сақловга топширилиши ёхуд баҳолаш кунида амал қилган нархлар бўйича ички бозорда талаб ва таклиф асосида бозорнинг ўртача баҳосида баҳоланиши талаб этилади. Табиийки, божхона тизимида амал қилинадиган бундай Низом талабларига, айниқса, соҳа ходимлари қатъий масъулият билан ёндашмоқликлари лозим.*

Сардор **РЕЖАББОЕВ**,
Андижон вилоят прокуратураси АМИБ терговчиси
Маъмура **ДУСИЯРОВА**,
«Ниқиқ»

Бироқ, Андижон вилоят божхона бошқармаси Қўрғонтепа тумани "Савай" темирйўл божхона постида инспектор лавозимида ишлаб келган Шерзод Ортиқов Низом талабларини четлаб ўтишни маъқул кўради. Аниқроғи, қўлураётган иши қонунга хилофлигини била туриб, мўмай даромад илинжида божхона пости орқали ушланган мол-мулкни талон-торож қилиш пайига тушади. Хусусан у, "Савай" темирйўл божхона пости ходимлари томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида ушланган 4 та ҳолат бўйича 6 млн. 919,2 минг сўмга баҳоланган товар-моддий бойликларни Хонобод шаҳридаги "Хон Бобр Умид" МЧЖга қарашли мусодара дўкони сотувчиси М.Солиевага атиги 1 млн. 300 минг сўм эвазига топширади. Ваҳоланки, Ш.Ортиқов ушбу товарлар сотилмаган тақдирда уларни Низомга асосан 10 фоизгача арзонлаштирилган нархда сотиш учун вилоят ҳудудидаги давлат фойдасига мусодара қилинган товарларни сотиш ҳуқуқига эга бошқа савдо дўконларига топшириши лозим эди.

Биринчи ноқонуний иши хамирдан қил суғургандек амалга ошиб, бундан ҳеч ким хабар топмагач, у навбатдагисига қўл уради. Яъни, 2010 йилнинг декабрь ойида "Савай" темирйўл божхона пости ходимлари томонидан ушланган ва "Хон Бобр Умид" МЧЖга қарашли мусодара дўконига сақловга топширилган 2 та ҳолат бўйича 1 млн. 462, 5 минг сўмга баҳоланган товар-моддий бойликларни 100 АҚШ доллари ва 400 минг сўм эвазига, 2011 йил январь ойида ушланган ва "Хон Бобр Умид" МЧЖга қарашли мусодара дўконига сақлаш учун топширилган 8 та ҳолат бўйича 4 млн. 376,5 минг сўмга баҳоланган товар-моддий бойликларни бошқа ҳуқуқий савдо дўконларига топширмасдан, тамагирлик йўли билан 300 АҚШ доллари миқдорида пора сўраш эвазига М.Солиевага топширади...

Ниҳоят, Ш.Ортиқовнинг "Ҳеч ким билмайди", деган фикрда амалга ошириб келган жиноий хатти-ҳаракатларига вилоят прокуратураси ва МХХ вилоят бошқармаси ходимлари томонидан чек қўйилди. У М.Солиевадан 300 АҚШ долларини пора тариқасида олган вақтда ушланди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деган нақлни нафақат Ш.Ортиқов балки унинг ҳамкасби бўлмиш И.Камоловга ўхшаганлар ҳам билиб қўйсалар фойдадан холи бўлмас эди.

Вилоят божхона бошқармасининг "Мингтепа" божхона пости инспектори лавозимида ишлаб келган И.Камолов айланма йўллар орқали товар-моддий қимматликларининг ноқонуний олиб кирилиши ва олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш хизмат вазифасига киришини билса-да, ўз нафси йўлида жиноятга қўл уради.

2010 йил 2 апрель куни "Марҳамат-Асака" йўналиши бўйича кетаётган фуқаро М.Мирзаев бошқарувидаги "Матиз" русумли автомашинани тўхтатиб, унда 320 минг сўмлик ҳужжатсиз плёнка маҳсулоти олиб кетилаётганлигини аниқлаган И.Камолов, ушбу ҳолатни расмийлаштирмаслик, ноқонуний товар ҳамда товар ортилган автомашинани мусодара қилмаслик эвазига, тамагирлик йўли билан ҳайдовчидан 200 АҚШ доллари олиб келишни талаб қилади. Охир-оқибат, 30 минг сўм пулни олдиндан пора тариқасида олади.

И.Камоловнинг "олғирлиги" СВОЖЖДЛҚК Департаменти ва МХХ вилоят бошқармаси ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбир орқали якун топди. У кўчасида 200 минг сўмни М.Мирзаевдан пора тариқасида олаётганида ушланди...

Жиноят жойида барҳам топди. Бироқ, бундай қонунбузарлар ўз хатти-ҳаракатлари билан пора бераётган шахсларнинг ноқонуний ишлари ёпиғлиқ қозон ичида қолиб кетишига сабабчи бўлиб қолишмайдими? Пировардида, айрим фуқаролар тасаввурида пора эвазига ҳар қандай қинғир ишнинг уддасидан чиқса бўлади, деган тушунча пайдо бўлмаслиги мумкинми?

Биз ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан борар эканмиз, демак, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир фуқароси қонунларимизни яхши билмоғи лозим. Қонунни билиш, билганда ҳам унинг моҳиятини чуқур англаб етиш ва уни ҳурмат қилиш қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири саналади. Шундай экан, айниқса, қонун талаблари ижросини назорат қилиш соҳасида фаолият юритаётган шахслар фуқаролардан фарқли ўлароқ, ўз вазифаларига содиқлик билан қараша, қонун устуворлигини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшган бўлардилар.

# Ҳаромдан ҳазар

## ёхуд «Меҳрибонлик уйи»даги ташмачилик хусусида

**Аъзамжон АБДУСАМАТОВ,**
Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
**Нилуфар НИЁЗОВА,**
«Ниҳол»



*Мунис ва мунгли нигоҳлар... Соғинч ва муштоқликка тўла кўзлар... Меҳрга ташна қалблар... Таянчга, эътиборга муҳтож гўдаклар...*

"Меҳрибонлик уйи" болалари ҳақида гап кетганда, ҳар қандай киши кўнглидан шунга ўхшаш фикрлар ўтади, бир қалқиб олади. Ё отасидан, ё онасидан айрилиб, қисматига "бокувчисиз" номи муҳрланган болакайларнинг бошини силашга, уларнинг ўксик кўнглини осмон қадар кўтаришга ўзида куч топади. Илло, муқаддас Ислом дини ҳам етим-есирларга хайрэҳсонни савоб ишлардан санайди. Бандаларини унинг ҳақидан қўрқишга ундайди, уларнинг ризқига хиёнат энг оғир гуноҳлардан саналишини уқтиради. Қонунларимизда ҳам бу ўз ифодасини топган.

Қолаверса, халқимиз болажон! Топганини боласига едиради. Ҳукуматимиз томонидан келажак авлоднинг баркамоллиги йўлида амалга оширилаётган ишларни ҳам гапириб адоғига етолмайсан киши. Айниқса, бизда "Меҳрибонлик уйлари" тарбияланувчилари учун яратиб берилган шароитлар, имкониятлар ҳеч бир давлатда йўқ.

Афсус... Минг афсус... Яқинда Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судида муҳокама қилинган жиноят иши тафсилоти билан танишгач, ана шу эзгу амалларга қодир кишилар қаторида норасидалар ҳақидан қўрқмайдиган, инсофни, диёнатни унутган кимсалар ҳам борлигидан кишининг кўнгли ранжийди...

### ОДАМ ОЛАСИ ИЧИДА...

Соҳибахон Ҳамроқулова... Бу исм-шариф кўпчиликка яхши таниш. Боиси, у Наманган шаҳридаги "26-Меҳрибонлик уйи"га директор этиб тайинлангунга қадар ҳам масъул вазифаларда ишлаган, ўзининг иқтидори, салоҳияти билан ҳурмат қозонганди. Шунинг учун бўлса керак, меҳрга ташна болакайларнинг бошини силаш, шу муассасага раҳбарлик қилишни унга топширишди. Аслида, ўша кезлари раҳбарият наздида бу лавозим учун у муносиб номзод эди.

Афтидан, С.Ҳамроқулова ўзини атрофдагиларга ҳалол раҳбар сифатида кўрсатишга устаси фаранг эди. Қолаверса, у қаерда ишламасин, янги руҳ, ижобий ўзгариш ва ютуқлар олиб келишга ҳаракат қиларди.

У "Меҳрибонлик уйи"га директор этиб тайинлангач ҳам болаларга ғамхўрлик қилиш, уларга етарлича шарт-шароитлар яратиб беришда жонбозлик кўрсатди. Ҳеч ким илтимосини ерда қолдирмади. Ахир "опа" ўзига эмас, мурғак болажонларга сўраяпти. Савоб деган гаплар бор...

Хуллас, ҳеч фурсат ўтмай С.Ҳамроқулова ўз имкониятларини ишга солган ҳолда вилоят Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги муассасаларнинг энг ҳурмат-эътиборли раҳбарларидан бирига айланди. Бироқ "Одам оласи ичида", деганлари рост экан, йиллар ўтгани сайин директор ўз манфаатлари йўлида ҳар ҳандай эгриликдан ҳам қайтмаслигини исботлаб бошлади.

Тўғри, унинг қилмишлари ҳадеганда ошкор бўлавермас, ўзи ҳам эҳтиёткорликни унутмасди. Аммо қинғирликлар ҳамиша ҳам ёққан қор остида қолавермайди, шундай эмасми?! Бошида буни бир киши тасодифан сезиб қолди, кейин бошқаси...

С.Ҳамроқулова буни яхши англарди. Англаса ҳам, қўл остидаги ишчилар ўзига қарши сўз айтолмаслигини билгани учун хотиржам эди. Бу ҳам етмагандек, авваддан ўзи режалаштириб келаётган ишларни бир ўзи амалга ошира олмас, бунга қўл остидаги ишончли ходимларни жалб этишни, шу орқали "оғзини юмиш"ни мўлжаллаганди. Шундай қилди ҳам.

Биринчи бўлиб ўзининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича муовини Баҳодир Матрагимовнинг қўйнига аста қўл солиб кўрди. Боиси, у муқаддам ҳам жиноят содир этиб судланган, С.Ҳамроқулова буни била туриб ўзига ўринбосар қилиб олганди. (Яна маънавият ва маърифат ишлари бўйича!)

— Раҳбарлик осон, бошқаларга буйруқ беришни ҳамма ҳам эплайверади, деб ўйлашади, — дея гап бошлади ҳасрат оҳангида. — Аслида бу курсида ўтиришнинг ўзи бўлмайди. Юқоридан гоҳ у топшириқ бўлади, гоҳ бу... Буларнинг бари пулга бориб тақалишини биров билади, биров йўқ...

Директорнинг нимага шама қилаётганини англаган ўринбосар шартта гапни илиб кетди:

— Бу борада сиқилиб ўтиришнинг асло кераги йўқ. Чиндан ҳам баъзи ишларда ходимлардан пул йиғамиз, десак, жанжал билан оламни бузишади... Ундан кўра, қўшимча маблағ топишнинг бошқа йўлларини излаб топиш керак...

"Бошқа йўллар" деган жумлани эшитган директор ҳушёр тортди:

— Хўш, нимани маслаҳат берасиз? Мендан кўра сизда тажриба бор, ҳар ҳолда...

Б.Матрагимов гапни нимадан бошлашни билмай, бироз тараддудланиб қолди. Кейин раҳбари оғзига термулиб турганини кўриб, очиқчасига маслаҳат беришга тушди:

— Биласиз, баъзи штатларда ҳеч ким ишламаяпти... Ана шу вазифаларга кимларнингдир номини расмийлаштириб, маошлари олинса ҳам, анча-мунча пул топса бўлади...

С.Ҳамроқуловага бу маслаҳат маъқул келгандек бўлди. Эртаси кунидан ўринбосари айтганидек, аввал ходимлар бўлими нозири Насиба Маҳкамовани ўз хонасига чақириб, вакант ўринлар ҳақида сўрабсуриштирди.

— Анча ўринлар бўш, — деди Н.Маҳкамова директорнинг бу чорловдан муродини англамаган тарзда. — Кўпчилиги маош озлигидан ё бошқа сабабларга кўра ариза ёзган...

— Икки кун ичида менга бўш иш ўринлари рўйхатини беринг! — топшириқ қилди раҳбар.

Айтилган кунгача топшириқ бажарилди — Н.Маҳкамова рўйхатни директор столига қўйди.

— Бу вазифаларга одам оламан, десанг арзимайди, ойлик озлигини ўзингиз биласиз... — С.Ҳамроқулова бу ходимасини ҳам ўз измига солишга уринди. — Шунинг учун... Бу ишларни ўзимизга қарашли ходимлар номига қўшимча тарзда расмийлаштирсак... Кўриб турибсиз-ку, ҳозир битта ойлик билан кун кўриб бўлмаяпти...

Отилган ўқ тўғри нишонга бориб тегди, бу таклифдан Н.Маҳкамова севиниб кетди. Тўғри-да, директорнинг айтганлари амалга ошса, ҳаммадан олдин унга фойдаси тегиши тайин!

— Шунақа қилинса, қандай яхши бўларди-я! — хурсандлигини яшириб ўтирмади ходима. — Аслида "завхоз"нинг ҳам, баъзи раҳбар ходимларнинг ҳам маошлари чегараланган... Агар шу ишлар уларга берилса, иккита вазифани "жон" деб уддалашади...

— Баҳодир ҳам шунга ўхшаш гап қилаётганди, — уни қўллабқувватлади директор. — Афтидан, унда ҳам баъзи молиявий муаммолар бор, шекилли... Сиз ҳозир шу рўйхат бўйича ўзингизга, яна бир-икки нафар ходимларга кишибилмас буйруқ тайёрлаб, қўшимча вазифалар юкланг. Кейин буни бош ҳисобчига олиб бориб беринг. Қолганини ўзим айтаман унга...

Н.Маҳкамова бу топшириқни ҳам айтилганидан аъло даражада бажарди. Бу орада С.Ҳамроқулова хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Ҳасанбой Кенжаев ҳамда бош ҳисобчи Ғофуржон Юнусовни ҳам режасидан хабардор қилди. Ҳар ойда жон койитмай олинадиган маблағ кимга ёқмайди, дейсиз?! Ҳатто раҳбарнинг "ҳотамтой"лигини мақтаб ҳам қўйишди.

### ЕГАН ОҒИЗ УЯЛАР...

Ҳаш-паш дегунча С.Ҳамроқулова ўз атрофига бировнинг ҳақидан қўрқмайдиган, ҳалол ва ҳаромни фарқламайдиган, аниқроғи, жирканмайдиган кимсаларни йиғиб олди.

"Еган оғиз уялар..." Ушбу нақл бу сафар ишларда ҳам қўл келди. Н.Маҳкамова бош ҳисобчи Ғ.Юнусов билан келишган ҳолда котиба вазифасида иш ловчи Д.Бегматова номига алоҳида пластик карточка очишди. Сўнгра кичик ҳамшира ва ёрдамчи тарбиячи сингари вазифалар "Меҳрибонлик уйи"нинг қайсидир ходими номига расмийлаштирилиб, уларнинг маоши шу пластик карточкага келиб туша бошлади. Уни эса раҳбарнинг қўлига топширишди:

— Бу сизга... У ёғини ўзимиз тўғрилаб қўйдик. Сиз мана бу буйруқларга қўл қўйиб берсангиз бўлди...

Бош ҳисобчи ва ходимлар бўлими нозири бир нечта буйруқларни авваддан тайёрланган рўйхат бўйича С.Ҳамроқуловага тақдим этгач, бу ишлар ортида ўзи учун ҳам манфаатдорлик борлиги, қолаверса, бу маблағларнинг кўпроқ қисми ҳозиргина қўлига келиб тушган пластик карточка орқали ўзига ўтишини сезгани учун ҳам уларнинг раъйини қайтармади. Аксинча, жимжимадор қилиб имзо чекиб берди. Гап орасида:

— Бу ишлар овоза бўлиб кетмасин! — дея тайинлаб қўйишни ҳам унутмади.

— И-я, ўзимизнинг оёғимизга ўзимиз болта урармидик... — кулди Ғ.Юнусов. — Баҳодир ака билан ҳам, Ҳасанбой ака билан ҳам гаплашиб олганмиз, ҳеч кимга оғиз очишмайди. Нафисахон билан келишган ҳолда, уларга ҳам айрим штатларнинг ойлигини берадиган бўлдик. Ҳар ҳолда, молиявий масалаларга улар ҳам аралашиб келган, ажратиб қўйсак, кейин бир "лекин"и чиқмасин, дедик...

— Тўғри ўйлабсизлар, — маъқуллади раҳбар. — Қолаверса, менга бу маслаҳатни берган ҳам Баҳодирнинг ўзи... Уни ажратиб қўйсак бўлмас...

### "ЎРАГА СИЧҚОН ТУШДИ..."

"Меҳрибонлик уйи"да қинғирликларга бош бўлаётган кимсаларни уюшган гуруҳ деса ҳам бўларди. Улар ҳаммаслаклика косиб, боғбон, тарбиячи, ёрдамчи тарбиячи, дезинфектор ва шунга ўхшаш 50 дан ортиқ вазифаларга шу муассасада ишлаётган ё ишламаётган шахслар номини расмийлаштириб, юритилаётган табелларга улар доимий ишлаётгани ҳақида белгилар киритишди. (Афсуски, ҳужжатларда номи зикр этилган шахслар бу ишлардан мутлақо бехабар эдилар.) Шунингдек, ушбу табеллар асосида тарифда белгиланган маошлар ишланиб, бунга кўра С.Ҳамроқулованинг пластик карточкасига 275 844 сўм ҳамда Д.Бегматова номига очилган пластик карточкага 2 млн. 490 минг 861 сўм ўтказилиб, раҳбар ихтиёрига топширилди. Бундан ташқари, 839 050 сўмни Б.Матрагимовга, 2 млн. 976 минг 417 сўмни хўжалик ишлари бўйича ўринбосар Ҳ.Кенжаевга, 1 млн. 968 минг 296 сўмни бош ҳисобчи Ғ.Юнусовга ҳамда 883 020 сўмни Н.Маҳкамовага тегишли пластик карточкага туширишга эришишди.

— Ўрага сичқон тушди, гулдир-гуп! — яна қайта уқтирди бош ҳисобчи ўзлаштирилган маблағларни тақсимлар экан. — Агар бу очиладиган бўлса, ҳаммамизнинг оёғимиздан чалади...

Ҳамма тасдиқ маъносида бошини қимирлатди. Шу билан гўё ишлар "ёпди-ёпди" бўлди...

Бу орада "Меҳрибонлик уйи" тасарруфидаги, Чуст тумани, "Ғова" қишлоғида жойлашган "Меҳрижон" болалар дам олиш масканидаги бинолардан бири яроқсиз ҳолга келгани муносабати билан бузилиб, янгидан қуриладиган бўлди-ю, С.Ҳамроқулованинг қайтадан нияти бузилди. У ўз гумаштлари билан келишган ҳолда, 500 минг сўмлик қурилиш материалларини сотиб, пулини шахсий эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборди. Яна ўша гап: "Ўрага сичқон тушди, гулдир-гуп!"

### НИҲОЯТ...

Азалдан қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқиши таъкидлаб келинади. Ҳаётда бунга исталганича мисоллар келтириш мумкин. Афсуски, ушбу уюшган гуруҳ аъзолари буни унутишган, ё бўлмаса, "бу нақл бизга ўхшаганларга эмас, ҳужжатларга қонунқоидасини келтириб маълумотлар киритиб қўйганмиз", дея хомтама бўлишганди чоғи. "Қийиқ чиқиш" фурсати кўп куттирмади. "Меҳрибонлик уйи"га текшириш тушиб, бирин-сирин уларнинг кирдикорлари фош бўла бошлади. Яъни директор бошчилигидаги беш нафар масъул шахс томонидан бир гуруҳ бўлиб, "Меҳрибонлик уйи"да белгиланган вақт оралиғида ўз вазифасини бажармаган 50 нафар ходимнинг ишлаганлиги тўғрисида табелларга сохта ёзувлар киритиш орқали бюджетнинг 14 млн. 019 минг 071 сўм маблағларини ўзлаштириб олиш, шунингдек, мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда расмий ҳужжатларга такроран 23 нафар ходимнинг "ишлаганлиги" тўғрисида сохта маълумотлар киритиш орқали 2 млн. 408 минг 024 сўмлик бюджет маблағларини "ҳазм қилиб" юбориш, "Меҳрижон" дам олиш масканидаги олғирликлар ва ҳоказо...

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судида Соҳиба Ҳамроқулова бошчилигидаги уюшган гуруҳнинг жиноий фаолияти ўрганиб чиқилди. Албатта, бу каби қилмишлар ўз қонуний баҳосини олади, шундай бўлди ҳам. Аммо...

Йиллаб йиғилган обрў-эътибор, ҳурмат, ишонч... Бир неча сонияда қор эриган мисол эриб кетди... Ўрнини уят, юзиқоралик, улар билан елкадош бўлиб ишлаётганларнинг, халқнинг нафрат тўла нигоҳлари эгаллади... Айнан "Меҳрибонлик уйи"да содир этилган бундай жиноятни ҳали-ҳануз ҳеч ким ҳазм қила олмаяпти... Ахир бу масканга саховат улашгани, меҳр тортиқ этгани ошиқадилар, манфаат истаб эмас!



# Ваҳшийлик

**Бурхон БУРХОНОВ,**
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
**Лолахон МАНСУРОВА,**
журналист

***Яқинда ЖИБ Бухоро вилоят суди судланувчилар — 1987 йилда туғилган Жонибек Тўраев ҳамда 1989 йилда туғилган Улуғбек Ҳашимов(исм-фамилиялар ўзгартирилган)ларнинг қилмишлари юзасидан ўз ҳукмини эълон қилди.***

Судланувчиларнинг ҳар иккаласи ҳам эндигина мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйган йигитлар. Жонибек биринчи марта, Улуғбек эса учинчи марта жиноят содир этган. Жонибек Тўраев Бухоро шаҳрида яшовчи Шухрат Амонов ҳамда Улуғбек Ҳашимов билан босқинчилик қилиб, ўзганинг мулкини қўлга киритиш ҳақида олдиндан тил бириктиргач, учовлон 2010 йил 3 октябрдан 2 ноябргача Бухоро шаҳар Навоий шоҳ кўчасидаги уйлардан бирида яшовчи Ҳидоят Кенжаевни ва унинг уйига келиб-кетувчиларни яширин равишда кузатишади. Бадният "шерик"лар буни осонгина уддаладилар.

Шундай қилиб, "иш" олдидан бир жойга йиғилган шериклар жасурлик учун оз-оздан "ичиб олгач", хонадонга бостириб киришади. Табиийки, хонадон эгаси Ҳидоят Кенжаев аввалига кутилмаган меҳмонларнинг "ташрифи"дан довдираб қолади. Ўзига келгач эса, уларга кучи етганча қаршилик кўрсата бошлайди. Бироқ, қанча уринмасин, бир ўзининг уч кишига кучи етмайди. Жонибек хонадон соҳибининг юзи, бошига бир неча марта уриб, оғир шикаст етказади. Ҳ.Кенжаев йиқилгач, Улуғбек Жонибекнинг буйруғи билан унинг қўлидан, Шухрат оёқларидан ушлаб туради. Жонибек бўлса, бўға бошлайди. Кенжаев жон таслим қилавермагач, нафас олиш йўлига ёстиқ қўйиб, куч билан босиб туради. Бу ҳам етмагандек, тишларини ҳам уриб, синдиради. Хонадон соҳиби нафас олмай қўйгач, шериклар хоналарни тинтишни бошлашади. Кўп ўтмай, Ҳ.Кенжаев ҳамда унинг оила аъзоларига тегишли бўлган 1900 АҚШ доллари ҳамда 1 млн. 295 минг сўм пулларни эгаллаб, ҳодиса содир бўлган жойдан қочиб кетишади.

Суд жараёнида судланувчи Улуғбек Ҳашимов ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, шундай кўрсатма берди:

— 2010 йил октябрда онам билан Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи холамникига меҳмонга бордик. Холамнинг кичик ўғли Жонибек менга иш борлигини айтди. Қанақа ишлигини сўраганимда, "ўғрилик" деди. 20-21 октябрда Жонибек мени "Марказий деҳқон бозори"да Шухрат исмли ўртоғи билан таништирди. Шухрат бизга оқ рангли "Нексия"си бўлган эркак кишининг уйида ўғрилик қилишимизни, унинг пули кўплиги, бир ўзи яшашини айтиб, унинг уйини кўрсатди. Шундан сўнг тўрт кун давомида Шухрат билан бирга "объект", яъни Ҳидоятнинг уйига кимлар кириб чиқишини кузатиб, вазиятни ўргандик.

2010 йил 2 ноябрь куни тахминан соат ўнларда ўша уйнинг олдига келдим. Орадан 20 дақиқа ўтгач, Жонибек ҳам етиб келди. Биз уйни кўздан кечира бошладик. Соат тахминан 13:30ларда Кенжаев Ҳидоят уйидан оқ рангли "Нексия"да чиқиб, бир соатлардан сўнг қайтиб келиб, бошқа "Нексия"да чиқиб кетди. Тахминан соат 18:00ларда қайтиб келиб, уйга кириб кетди. Соат 19:00ларда Шухрат келгач, дадиллик учун спиртли ичимлик ичдик. Сўнг Ҳ.Кенжаев яшайдиган хона эшиги олдига бордик. Эшикни тақиллатдим. Уй эгаси, тахминан 50-55 ёшлардаги киши эшикни очди. Жонибек шу заҳоти қўли билан унинг юз қисмига уриб, йиқитди. Биз вақтни бой бермай, ичкарига кирдик. Жонибек уй эгасининг боши устида ўтириб, томоғидан бўға бошлади. Мен унинг қўлларидан, Шухрат эса оёқларидан ушлаб турдик. Уй эгаси қаршилик кўрсатмай қўйгач, Жонибек ўрнидан туриб, бошқа хонага кириб кетди. Мен бўлса, уй эгасини томоғидан бўғиб туравердим. Бир оздан сўнг у қимирлай бошлагач, Шухратни чақирдим. Шухрат ёстиқни олиб, уй эгасининг оғзига босиб турди. Пул ахтариш учун Жонибек билан залга кириб, кўрпачаларни бирма-бир йиқитдик. Ётоқхона деразаси устида турган бир "пачка" минг сўмлик пулларни олдим. Бир оздан сўнг эшик тақиллаб, кимнидир зинадан тушганлиги эшитилди. Учаламиз уйдан топган пулларимизни целлофан сумкага солиб, уйдан чиқиб кетдик...

Гарчи уй эгаси тезлик билан шифохонага олиб борилган бўлса-да, врачлар унинг вафот этганини хабар қилишди.

Судланувчилар Жонибек Тўраев ва Улуғбек Ҳашимовларнинг юқорида кўрсатилган жиноятни содир этганликлари, уларнинг ўз айбларига иқрорлик билдириб берган кўрсатмаларидан ташқари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомалари, унга илова қилинган фотосуратлар ҳамда судтиббий экспертиза хулосалари орқали ҳам ўз тасдиғини топди.

Ҳукм ўқилди. Судланувчиларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

***Бугунги куннинг энг катта муаммоларидан бири шубҳасиз, одам савдоси саналади. Мамлакатимизда бу муаммони бартараф этиш борасида кескин чоралар кўрилаётган бўлса-да, барибир одам савдоси қурбонлари учраб тургани ачинарли. Ушбу ноқонуний савдода ҳамюртларимизнинг қўли борлиги кишини ташвишлантиради. Айниқса, вояга етмаганларнинг одам савдоси қурбонига айланиб қолаётганига нима дейсиз?***

# Алданган йигитчалар

**Ғолиб КОДИРОВ,**
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори
**Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,**
«Huquq»

Каттақўрғонлик Қаҳрамон Солиев еттисаккиз йилдан буён Россиянинг Новосибирск шаҳрига бориб ишлаб юрарди. Кейинчалик турмуш ўртоғи Соҳибани ҳам олиб кетди. Улар оилавий ижарада туришарди. Қаҳрамон турли жойларда — қурилишда, савдода ишлаб пул топарди. Соҳиба эса овқат пишириб сотарди. Эр-хотиннинг топиш-тутиши ёмонмасди. Негадир уларнинг даромади камдек туюлаверди. Қаҳрамон ва Соҳиба пул топишнинг янги йўлларини қидириб қолишди.

Қаҳрамон янги режалар билан Соҳибани Каттақўрғонга жўнатди. Соҳиба Каттақўрғонга келиб, зудлик билан ишга киришди. "Бу йигитларни Россияга яхши маоши бор ишга олиб кетаман", деб гап тарқатди. Тез орада унинг қармоғига ҳали вояга етмаган йигитчалар — Бобур ва Ўлмас илинишди.

Бобурнинг онаси Соҳибани излаб топди.

— Жон синглим, менинг шу ўғлимни Россияга олиб кетинг. Шароитимиз оғир,— дея ялинишга тушди Меҳринисо опа.

— Розимисиз, болангизни Россияга олиб кетаман, ойига 200 долларлик иш бор. Жой масаласини ҳам ўйламанг.

Меҳринисо опа ҳам дарров рози бўлди.

Бироздан сўнг Ўлмаснинг Хосият холаси Соҳибани излаб келиб, жиянини Россияга жўнатмоқчи эканлигини айтди.

Соҳиба ҳам қараб ўтирмади. Зудлик билан йигитчаларга ҳужжат тўғрилашга киришди. Барча тайёргарлик тугагач, Соҳиба, Бобур, Ўлмас учаласи автобусда Новосибирскка жўнаб кетишди. Оғир ва машаққатли йўлда бир неча кун юришиб, манзилга етиб келишди. Уларни Қаҳрамон кутиб олиб, уйига олиб кетди.

— Ҳужжатларингни беринглар, сенларга рухсатнома олиб бераман, — дея уларнинг ҳужжатларини олиб қўйди. Йигитчаларни ўзлари ижарада турадиган уйнинг бир хонасига жойлаштиришди. Бобур ва Ўлмас Соҳибага ёрдамчи бўлиб ишлай бошлашди. Ишлаган пулларини Қаҳрамон олиб қўярди:

— Бу пуллар сизларнинг йўл ҳақларингиз, ҳали йўл ҳақларингиздан қутулишларингиз учун анча ишлашларингизга тўғри келади, — дерди у.

Йигитчаларнинг кейинги ойларда ишлаган пулларини ижарага ва овқатга деб олиб қўйишди. Норози бўлган Бобур ва Ўлмасни дўппослашгача борди. Уйига қўнғироқ қилмоқчи бўлишса, бунга сира изн бермасди. Орасирада гаплашганларини ҳам ёнидан жилмай эшитиб олишарди.

Кейинчалик йигитчалар Қаҳрамонга қўшилиб қора металл йиғиб сота бошладилар. Бироқ, бу ишлаганлари ҳам Қаҳрамоннинг чўнтагидан ортмади. Бир йилча ишлаб Қаҳрамондан яхшилик чиқмаслигини сезган йигитчалар, "кетамиз" деб туриб олишди. Ноилож қолган Қаҳрамон ва Соҳиба уларга жавоб беришди. Лекин "Ҳеч ким қийнамаганлиги, ҳеч қандай даъвоси йўқлиги" ҳақидаги тилхатни мажбурлаб ёздириб олишди. Ахир, эҳтиёт бўлган яхши-да. Яна бу ерда бўлган гаплар у ёққа етиб борса, нималар бўлмайди. Бироқ, унинг ўйлаганлари хом хаёл бўлиб чиқди. Бобур Усмонов ва Ўлмас Ҳамидов юртларига қайтиб келишгач, уларни алдаб, овора-ю сарсон қилганлар устидан шикоят қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишди.

Қаҳрамон Солиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. У Россиянинг Новосибирск шаҳрида қўлга олинди. Суд ишни атрофлича ўрганиб чиқиб, Қаҳрамон Солиевни айбдор, деб топди. Энди у умрининг беш йилини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

# Собиқ эрнинг рашки

## фожиага олиб келди

**Хайрулла БОБОҚУЛОВ,**
Қумқўрғон туман прокурори

***Қумқўрғон шаҳрининг "Дўстлик" маҳалласида истиқомат қилувчи Манзура Холмирзаеванинг ўз уйида номаълум кимсалар томонидан ўлдириб кетилганлиги ҳақидаги хабар эшитганлар қалбини ларзага солди. Марҳуманинг ён қўшниси Света Чўянова ўша куни тахминан соат 18:00 ларда сув олиб келиш учун унинг эшигини тақиллатади. Жавоб бўлмагач, ичкарига кириб, тўғридаги хонага қарайди-ю, даҳшатдан қотиб қолади. Не кўз билан кўрсинки, Манзура бўйни кўкариб шишган, тепага қараганча ётибди.***

— Манзурани ўлдириб кетишибди, — у шундай дея бақирганча, кўчага югуради. Зумда қўни-қўшни, маҳалла-кўй йиғилади. Кўп ўтмай етиб келган "Тез ёрдам" хизмати ходимлари Манзурани текшириб кўриб, жони узилганини, ички ишлар ходимларига хабар бериш кераклигини айтишади. Туман ИИБ навбатчилик қисмига етиб келган бу совуқ хабар шахсий таркибни зудлик билан оёққа турғизади. Воқеа содир бўлган жойига келиб, ҳолатни ўрганган тезкор-тергов ва экспертиза хизмати ходимлари суриштирув ишларини бошлаб юборишади.

Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида жиноят тезда очилди. Манзуранинг вояга етмаган фарзандлари бундан 2-3 соат олдин оталари Жўра ширакайф бўлиб келиб, уларга "озроқ ўйнаб келинглар, оналарингда гапим бор", дея уларни кўчага чиқариб юборганлигини воқеа устига келиб қолган қўшнилари С.Чўяновага айтиб беришади. Қўшни аёл эса бу гапни бошқаларга етказади. Шундай қилиб, собиқ эр хотинининг қотилига айланганлиги маълум бўлди. Икки гўдак онасиз қолди.

Қотилликка нима сабаб бўлди? Ж.Чориев нима учун собиқ хотинининг жонига қасд қилди?

Ана шу саволларга Ж.Чориевнинг берган кўрсатмаларини эшитиб, ҳайратга тушасиз. Бундан 8 йил муқаддам қонуний ажрашиб, у билан бирга яшамаса-да, собиқ хотинини бегона эркаклардан рашк қилиб, қасддан бўғиб ўлдирганини нима билан изоҳлайсиз?

Аслида 36 ёшли бу кимсанинг аллақачон кирар ақли кириб бўлганди. Шундай бўлса-да, ҳар гал ичиб, маст бўлганда ҳуда-беҳуда собиқ хотинининг эшигини тақиллатиб, оиланинг тинчини бузишга одатланганди. Ҳеч қаерда ишламайдиган, текинтомоқ бу шахснинг хурмача қилиқларидан безган Манзура унга бир неча бор, менга эр керак эмас, сиз билан яшамайман, деб такрор-такрор айтса-да, Ж.Чориев шаштидан қайтмади.

2005 йилда Манзура бир йигитга турмушга чиқиб, ундан фарзандли ҳам бўлди. Бироқ, бу гал ҳам тақдир уни сийламади. Ўртадаги фарзандлари ёки бошқа бир сабабми кўп ўтмай ажралишди. Шундан сўнг Қумқўрғон шаҳри марказидаги "Дўстлик" маҳалласига кўчиб келди. Қийналса-да, ичидагини сиртига чиқармади. Қўни-қўшни билан аҳил бўлди, борига қаноат қилди. Аммо собиқ эри бу ерда ҳам унга тинчлик бермади. Ҳар гал келганида, бирга яшашликни таклиф қилар, рад жавобини олгач, "сен бузуқсан, бегона эркакларни қабул қиласан", деб ҳақорат қилишни бошларди...

...2011 йилнинг 12 майи. Соат 17:00 лар атрофида Манзуранинг уйига йўл олган Жўра, эшикдан кирибоқ тўғридаги хонада ифлос сув турганлигини, чап томондаги хонада эса ерга кўрпа тўшаб қўйилганлигини кўриб, жаҳли чиқса-да, ўзини босди. Тишини-тишига босиб, Манзурага бирга яшашликни таклиф қилди. Аммо яна рад жавобини олди-ю, сўкина бошлади. Кейин ўзини тутолмай, Манзурани бўғишга тушди...

Хуллас, собиқ эр ўз хотинининг қотилига айланди. Бу мудҳиш жиноят содир этмаслиги мумкин эдими? Албатта. Қўни-қўшни, маҳалла-кўй, маҳалла маслаҳатчилари анчадан буён давом этиб келаётган бундай жанжалларга томошабин бўлиб турмасдан, уларни бир муросага келтиришса, жиноятнинг олдини олишлари мумкин эди. Жўра Чориев 36 ёшида қотил деган тамғани бўйнига илди. Қотил бўлганда ҳам, собиқ хотинининг, 2 нафар фарзанднинг онаси умрига зомин бўлди...

Жиноятга жазо муқаррар. Суд ҳайъати томонидан Чориев Жўра Қурбонович содир этган қилмишига одилона баҳо берилди.

Йиллар ўтар, Ж.Чориев муддатини ўтаб, озодликка ҳам чиқар. Аммо уни ҳали олдинда жуда катта жазо кутмоқда. У ҳам бўлса, бир умр бўйнини эгдириб, эл-улус олдида қотил деган иснодли тамғага "эга"лик қилишдир.

# Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

***«Асака» банки (ОАЖ) Сизларни кириб келаётган 2012 йил билан чин қалбдан табриклайди ва қуйидаги янги миллий валютадаги муддатли омонат турини таклиф этади.***

*«ЯНГИ ЙИЛ 2012»*
*Сақланиш муддати — 15 ой. Ҳисобланган фоизлар ойма-ой ёки омонат ёпилгандан (15 ойдан сўнг) берилади.*

**Мурожаат учун:**
«Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

**Сизнинг омонатларингиз:**
- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;**
- **маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;**
- **миқдори чекланмаган.**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 225-16-46 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

Хизматлар лицензияланган



## «BEST GLOBE REALTOR» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ «Аукцион» савдоларига таклиф этади!

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 14 октябрдаги 32а-сонли буйруғига асосан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер майдонларига бўлган мерос қилиб қолдирадиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги такрорий очиқ "АУКЦИОН" савдоларига қўйилган:***

1. Вобкент тумани А.Дониш кўчаси ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат бўлган 4 дона ер майдонлари.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 740 000 сўмдан.**

2. Вобкент тумани Халач ҚФЙ. Ниёзхўжа аҳоли маскани ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат бўлган 4 дона ер майдонлари.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 320 000 сўмдан.**

3. Вобкент тумани Халач ҚФЙ. Халач аҳоли маскани ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат бўлган 3 дона ер майдонлари.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 320 000 сўмдан.**

4. Вобкент тумани Уба-Кулолон кўчаси ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат бўлган 4 дона ер майдонлари.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 740 000 сўмдан.**

5. Вобкент тумани Кумушкент ҚФЙ. Хўжарobод аҳоли маскани ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат бўлган 6 дона ер майдонлари.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 320 000 сўмдан.**

6. Вобкент тумани Қўнғирот ҚФЙ. Косари аҳоли маскани ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат бўлган 1 дона ер майдонлари.

**Бошланғич баҳоси — 320 000 сўм.**

7. Вобкент тумани Имомқозихон ҚФЙ. Имомқозихон аҳоли маскани ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат бўлган 3 дона ер майдонлари.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 320 000 сўмдан.**

8. Вобкент тумани Имомқозихон ҚФЙ. Калти аҳоли маскани ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат бўлган 2 дона ер майдонлари.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 320 000 сўмдан.**

**ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**"АУКЦИОН"** савдолари 2012 йил 12 январь куни соат 11:00да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй (4-қават) манзилида ўтказилади.

**"АУКЦИОН"** савдоларида иштирок этиб, мулкдор бўлиш истагидаги талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" — "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамиятига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

■ Кўрсатилган мулкни сотиб олиш истагида савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманома;

■ Закалат пули тўғрисида келишув битимининг бир нусхаси;

■ "Аукцион ташкилотчиси"нинг реквизитлари: СТИР: 302045495, МФО: 00115 ОАТ "Қишлоқ қурилиш банки" Бухоро минтақавий филиалидаги 20208000204922559001 ҳисоб рақамига (ёки кассасига) объект бошланғич баҳосининг 15 % (ўн беш фоиз) миқдоридаги закалат пуллари тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

■ Харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати:

Жисмоний шахслар учун: — Фуқаролик паспортининг нусхаси;

Юридик шахслар учун: — Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва Уставининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси.

■ Савдода талабгорнинг вакили иштирок этса белгиланган тартибда тасдиқланган ишончноманинг асл нусхаси.

**"АУКЦИОН"** савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомалар ҳафтанинг ҳар куни (якшанба кунидан ташқари Мустақиллик кўчаси 10-уй, 3-қаватида) қабул қилинади.

Закалат пулларининг киритилиши **"АУКЦИОН"** савдолари бошланишидан бир соат олдин Буюртманомаларни қабул қилиш **"АУКЦИОН"** савдолари ўтказилиши белгиланган санадан 3 кун олдин (шанба ва якшанба кунларидан ташқари), яъни 2012 йил 10 январь куни соат 18:00да тўхтатилади.

2012 йил 12 январдаги савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йил 19 январь ҳамда 26 январь кунлари соат 11:00дан бошлаб бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдоларга аризаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Буюртманомаларни қабул қилиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

"Аукцион ташкилотчиси" — "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти.

**Аукцион савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй.**

**Лицензия:** RR 0029, **E-mail:** bg_rieltor@list.ru, **тел:** +99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти Шеробод туман ҳокимининг 2011 йил 26 майдаги 279-сонли ва Ангор туман ҳокимининг 2011 йил 26 августдаги 975 ва 976-сонли қарорлари ҳамда Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Сурхондарё вилоят худудий бошқармасининг 2011 йил 19 сентябрдаги 50-од-сонли ҳамда 2011 йил 22 сентябрдаги 51-од-сонли буйруғига асосан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер майдонларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларига чиқарилмоқда:**

1. Шеробод тумани, Оққўрғон ҚФЙ, Оқтепа маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 600 кв. метрдан иборат (5, 12, 13, 15 ва 16-сонли) 5 дона ер майдонлари. **Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 60 000 сўмдан.**

2. Шеробод тумани, Оққўрғон ҚФЙ, Истиқбол маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 600 кв. метрдан иборат (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15 ва 16-сонли) 16 дона ер майдонлари. **Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 60 000 сўмдан.**

3. Шеробод тумани, Таллашқон ҚФЙ, Пахтаобод маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 600 кв. метрдан иборат (23, 25 ва 26-сонли) 3 дона ер майдонлари. **Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 60 000 сўмдан.**

4. Шеробод тумани, Чинобод ҚФЙ, Меҳнатобод маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 600 кв. метрдан иборат (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11 ва 12-сонли) 12 дона ер майдонлари. **Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 60 000 сўмдан.**

5. Шеробод тумани, Ёшлик ва Ғалаба маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳажми 600 кв. метрдан иборат (3-сонли) 1 дона ер майдони. **Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 60 000 сўм.**

6. Ангор тумани, А.Навоий ҚФЙ, Деҳқонбирлашув маҳалласи ҳудудидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳажми 800 кв. метрдан иборат (12-сонли) 1 дона ер майдон. **Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 48 000 сўмдан.**

7. Ангор тумани, А.Навоий ҚФЙ, Деҳқонбирлашув маҳалласи ҳудудидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 800 кв. метрдан иборат (5, 6, 8, 15 ва 26-сонли) 5 дона ер майдонлари. **Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 48 000 сўмдан.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 25 январь куни соат 11:00 да савдо ташкилотчиси — "KMSX" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиали жойлашган манзил (Сурхондарё вилоят, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй "Тадбиркорлар маркази" биноси)да бўлиб ўтади.** Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Мазкур манзилда мулк ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: **2012 йил 20 куни соат 18:00.**

Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ер майдони бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "KMSX" МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг қуйидаги АТБ "Савдогар-банк" Музработ филиали Термиз шаҳар мини банкидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609017, МФО 00336, СТИР 207122519.

2012 йил 25 январь куни ўтказилган очиқ аукцион савдосида сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2012 йилнинг 2, 9 ва 16 февраль кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий очиқ аукцион савдоларига ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун буюртманомалар шанба ва якшанба (байрам) кунларидан ташқари ҳар куни 18:00га қадар қабул қилинади.

**Қўшимча маълумотлар учун савдо ташкилотчиси — "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг манзили:** Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, 2-қават. **Телефон:** (8376) 227-57-94. rieltsavdo@inbox.uz. **Лицензия:** RR 0001.

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти Термиз туман ҳокимининг 2011 йил 24 ноябрдаги 883-сонли, Бойсун туман ҳокимининг 2011 йил 28 октябрдаги 445-сонли ва Музработ туман ҳокимининг 2011 йил 28 ноябрдаги 658-сонли қарорлари ҳамда Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Сурхондарё худудий бошқармасининг 2011 йил 14 декабрдаги 64-од-сонли буйруғига асосан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер майдонларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларига чиқарилмоқда:**

1. Термиз тумани, "Пахтаобод" ҚФЙ, А.Навоий маҳалласи ҳудудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 600 кв. метрдан иборат (1 ва 2-сонли) 2 дона ер майдонлари. **Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 85 000 сўмдан.**

2. Бойсун тумани, "Работ" ҚФЙ, Мирқоракўз участкаси ҳудудидаги туман ҳокимлиги заҳира ерларидан қишлоқ хўжалигига яроқсиз ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳажми 600 кв. метрдан иборат (1, 2, 3 ва 4-сонли) 4 дона ер майдонлари. **Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 202 488 сўмдан.**

3. Музработ тумани, "Болдир" ҚФЙ, Файзобод маҳалласи ҳудудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмай турган ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳажми 600 кв. метрдан иборат (1, 2, 3 ва 4-сонли) 4 дона ер майдонлари. **Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 60 000 сўмдан.**

Очиқ аукцион савдолари 2012 йил 23 январь куни соат 11:00 да Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биносида ўтказилади.

Мазкур ер майдонлари бўйича аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2012 йил 20 январь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ер майдони бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "KMSX" МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг қуйидаги АТБ "Савдогар-банк" Музработ филиали Термиз шаҳар мини банкидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609017, МФО 00336, СТИР 207122519,

2012 йил 23 январь куни ўтказилган очиқ аукцион савдосида сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2012 йилнинг 31 январь ва 7 февраль кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий очиқ аукцион савдоларига ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун буюртманомалар шанба ва якшанба (байрам) кунларидан ташқари ҳар куни 18:00га қадар қабул қилинади.

**Қўшимча маълумотлар учун савдо ташкилотчиси — "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг манзили:** Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, 2-қават. **Телефон:** (8376) 227-57-94. **rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия:** RR 0001.

## "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ "Аукцион" савдоларига таклиф этади!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Бухоро вилоят худудий бошқармасининг 2011 йил 14 октябрдаги 32а-сонли буйруғига асосан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер майдонларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги такрорий очиқ "АУКЦИОН" савдоларига қўйилган:**

1. Коғон тумани Кончилар МФЙ Деча-авғон қишлоғи худудидан якка тартибда уй-жой уриш учун 400 кв.метрдан иборат бўлган 2 дона ер майдонлари.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 252 000 сўмдан.**

**ТАВЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

"**АУКЦИОН**" савдолари 2012 йил 12 январь куни соат 11:00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй (4-қават) манзилида тўхтазилади.

"**АУКЦИОН**" савдоларида иштирок этиб мулкдор бўлиш истагидаги талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" — "**BEST GLOBE REALTOR**" масъулияти чекланган жамиятга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

■ Кўрсатилган мулкни сотиб олиш истагида савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманома;

■ Закалат пули тўғрисида келишув битимининг бир нусхаси:

■ "Аукцион ташкилотчиси"нинг реквизитлари: СТИР 302045495, МФО 00115 ОАТ "Қишлоқ қурилиш банки" Бухоро минтақавий филиалидаги 20208000204922559001 ҳисоб рақамига (ёки кассасига) объект бошланғич баҳосининг 15% (ўн беш фоиз) миқдорида закалат пуллари тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

■ Харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати:

Жисмоний шахслар учун: — Фуқаролик паспортининг нусхаси;

Юридик шахслар учун: — Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва Уставнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси.

■ Савдода талабгорнинг вакили иштирок этса белгиланган тартибда тасдиқланган ишончномнинг асл нусхаси.

"**АУКЦИОН**" савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомалар ҳафтанинг ҳар куни (якашанба кунидан ташқари Мустақиллик кўчаси 10-уй, 3-қаватида) қабул қилинади.

Закалат пулларининг киритилиши "**АУКЦИОН**" савдолари бошланишидан бир соат олдин Буюртманомаларни қабул қилиш "**АУКЦИОН**" савдолари ўтказилиши белгиланган санадан 3 кун олдин (шанба ва якшанба кунларидан ташқари), яъни 2012 йил 10 январь куни соат 18:00да тўхтатилади.

2012 йил 12 январдаги савдода сотилмаган тақдирда такрорий акцион савдоси 2012 йил 19 январь ҳамда 26 январь кунлари соат 11:00 дан бошлаб бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдоларга аризаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Буюртманомларни қабул қилиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишимиз мумкин.

"Аукцион ташкилотчиси" — "**BEST GLOBE REALTOR**" МЧЖ. **Аукцион савдолари манзили:** 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй.

**Лицензия:** RR 0029, **E-mail:** bg_rieltor@list.ru, **тел:** +99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Сурхондарё вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи **Фахриддин ХУШНАЗАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Huquq** yuridik gazeta

Muassis: **O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

Bosh muharrir: *Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, **Baxtiyor NAZAROV** *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, **Shavkat YODGOROV** *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Ⓘ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-3488. 48 616 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: **Sh.YODGOROV**
Musahhih: **M.QAMBAROV**
Navbatchi: **O'.DEHQONOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.